ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК ИНСТИТУТИ

Л.Абдуллаева, Г.Юлдашева

# Русско-узбекский терминологический толковый словарь по дипломатическому и консульскому праву

(115 терминов)

Тошкент-2005

## *Предисловие*

***Настоящий словарь-справочник является первым изданием среди международных отраслевых словарей, систематически излагающим понятия и термины по дипломатическому и консульскому праву в Узбекистане на русском и узбекском языках.***

***Впервые, в отечественной практике, авторы поставили перед собой задачу составить справочное издание, раскрывающее все правовые аспекты дипломатической и консульской деятельности.***

***Законодательной базой словаря являются международно-правовые документы и действующее законодательство Республики Узбекистан в данной области.***

***В первую очередь, словарь-справочник будет полезен студентам юридических вузов и факультетов, практическим работникам, а также широкому кругу читателей, интересующемуся дипломатическим и консульским правом. Систематизированное алфавитное изложение позволит студентам легко ориентироваться в юридическом материале.***

***Авторы будут благодарны читателям за их отзывы, замечания и пожелания, которые будут учтены при последующих изданиях справочника.***

## ***Кириш сўзи.***

***Тақдим этилаяпган ушбу луғат-маълумотнома халқаро ҳуқуқнинг соҳалари буйича Ўбекистонда тайёрланган биринчи нашр бўлиб, у дипломатик ва консуллик ҳуқуқи билан боғлик тушунчалар ва атамаларга рус ва ўзбек тилларида систмали равишда изоҳ беради.***

***Муаллифлар мамлакатимиз амалиятида биринчи марта, дипломатик ва консуллик фаолиятининг барча ҳуқуқий аспектларини ёритувчи малумотномани нашрга тайёрлашни ўз олдиларига мақсад қилиб қўйдилар.***

***Мазкур соҳалар бўйича мавжуд халқаро-ҳуқуқий хужжатлар ва Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунлари луғатга асос бўлиб олинди.***

***Луғат-маълумотнома, биринчи навбатда, ҳуқуқшунослик олий ўқув юртлари ва факультетлари талабалари, амалиёт ходимлари ҳамда дипломатик ва консуллик ҳуқуқ билан қизиқувчи кенг ўқувчилар доиросига мўлжалланган. Алфавит асосида системалаштирилган услуб талабаларга юридик материал осон тушунишлари учун имкон яратади.***

***Муаллифлар луғатдан фойдаланган ўқувчилардан тушган тақриз, мулоҳаза ва таклифлар учун миннатдор бўладилар ва уларни луғатнинг кейинги нашрида инобатга оладилар.***

# А.

**Агреман**
[фр. Agreer - согласие]

- согласие принимающего государства на назначение конкретного лица в качестве главы дипломатического представительства аккредитующего государства.

Агреман запрашивается только на глав дипломатических представительств (послов, посланников и постоянных поверенных в делах). На назначение других дипломатических работников, в том числе на временных поверенных в делах, запрашивать агреман не требуется и не полагается. Агреман запрашивается, как правило, через ведомство иностранных дел или через дипломатическое представительство аккредитующего государства в стране его пребывания.

До получения агремана назначение на должность главы дипломатического представительства не может иметь места. До этого момента не принято также публиковать сообщение о предполагаемом назначении в средствах массовой информации. Не принято разглашать даже сам факт запроса агремана.

Во многих случаях об отказе в агремане не сообщается. Истечение уместного срока (4 – 8 недель) является сигналом нежелательности предложенного кандидата. Согласно Венской конвенции о дипломатических сношениях 1961 г., отказ в агремане необязательно должен быть мотивированным.

**Агреман**
[фр. Agreer - розилик]

- аккредитловчи давлат томонидан муайян шахсни ўз дипломатик ваколатхонаси раҳбари сифатида тайинланишига қабул қилувчи давлатнинг берган ёзма розилиги.

Аккредитация қилган давлатнинг дипломатик ваколатхонаси раҳбари сифатида муайян шахснинг тайинланишига қабул қилувчи давлатнинг розилиги. Агреман фақат дипломатик ваколатхона раҳбари (элчи, вакил, ишончли вакил) лавозимигагина сўралади. Бошқа дипломатик ходимларга, жумладан муваққат ишлар вакилига ҳам агреман сўраш талаб қилинмайди, хожати ҳам йўқ.

Агреман, қоида бўйича Ташқи ишлар идораси ёки аккредитация қилаяпган давлатнинг дипломатик ваколатхонаси орқали сўралади. Агреман олингунга қадар дипломатик ваколатхона раҳбари лавозимига тайинлаш мумкин эмас. Шу хужжатни олгунга қадар мўлжалланган тайинлаш ҳақидаги хабарни оммавий ахборот воситаларида эълон қилинмайди. Агреман сўраш фактини ҳам ошкор қилиш мумкин эмас.

Кўп холатларда агреманни бериш рад этилгани хабар қилинмайди. Маълум муддат (4 8 ҳафта) ичида жавоб бўлмаса ………..номзод маъқул бўлмаганига ишора ҳисобланади.

Дипломатик муносабатлар ҳақида 1961й. Вена Конвенциясига биноан, агреманни рад этиш сабабини билдириш мажбурий эмас.

**Агент дипломатический** - дипломат, то есть член дипломатического персонала дипломатического представительства, лицо, которое по должности непосредственно участвует в осуществлении функций дипломатического представительства.

Согласно ст.29 Венской конвенции о дипломатических сношениях 1961 г., личность дипломатического агента неприкосновенна. Он не подлежит аресту или задержанию в какой бы то ни было форме.

**Дипломатик агент (вакил)** - дипломатик ваколатхонанинг бошлиғи ёки дипломатик ходимлари гуруҳи аъзоси, дипломатик ваколатхонанинг вазифаларини бажаришда бевосита иштироқ этувчи мансабдор шахс.

1961 йил «Дипломатик муносабатлар ҳақида»ги Вена Конвенциясининг 29 моддасига биноан дипломатик агентнинг шахси дахлсиздир. Уни хибсга олиш ёки ушлаб қолиш, қандай шаклда бўлмасин, мумкин эмас.

**Аккламация** [от лат. acclamatio – восклицание] - в дипломатической практике метод принятия решений без проведения голосования, а также по регламенту некоторых парламентов, конференций, съездов, форумов и т.п. Решение принимается на основе реакции участников:

возгласов, аплодисментов, реплик и высказываний участников с мест и т.п. В официальных протоколах проводимых мероприятий, как правило, делается пометка «решение принято путем аккламации».

**Аккламация** [лот. acclamatio – хитоб, наъра )

- дипломатик амалиётда қарорни овозга қўймай ҳамда айрим парламентлар, конференциялар, съездлар, форумларнинг регламентларига биноан қабул қилиш усули. Қарор қатнашчиларнинг хитоблари, қарсаклари, луқмалари ва жойлардан билдирган мулоҳазалари асосида қабул қилинади. Ўтказилган тадбирнинг рас мий протоколида, одат бўйича, «қарор аккламация йўли билан қабул қилинади» деб белги қўйилади.

**Аккредитование** [от лат. accredere – доверять]

- процесс наделения определенного лица полномочиями представлять одно государство в другом, возглавляя дипломатическое представительство, и принятие этих полномочий.

В отношении глав дипломатических представительств аккредитация, как правило, включает в себя предоставление агремана, и завершается вручением верительных грамот. Глава самостоятельного консульского учреждения считается аккредитованным после получения им экзекватуры. В остальных случаях аккредитация завершается процессом нотификации официальных органов страны пребывания о прибытии дипломата и о том, что он приступил к исполнению своих обязанностей.

Свидетельством об аккредитации является аккредитационная карточка, выдаваемая протокольным управлением Министерства иностранных дел и подтверждающая особый статус дипломатического представителя.

В Республике Узбекистан аккредитация дипломатических работников осуществляется на основании постановления КМ РУ №543 от 11 дек 2003г. порядок аккредитации дип пред-в , конс учр иностр гос-в , пред-в межд. Оргий и их сотрудников при МиД РУ

Аккредитации подлежат также представители средств массовой информации при их назначении на работу в другой стране, а также при освещении официальных мероприятий, конференций, съездов и т.п.

Журналисты аккредитуются при пресс-службах парламентов, конгрессов, международных организаций или при официальных государственных службах связи с прессой страны пребывания. В процессе аккредитации им выдаются удостоверения, дающие право участия на мероприятиях для прессы.

**Аккредитлаштириш** [лот. Accredere – ишонч билдирмоқ] - дипломатик ваколатхона раҳбари сифатида муайян шахсга бир давлатнинг иккинчи давлатдаги………вазифаларини ўташ ваколатларини бериш жараёни.

Дипломатик ваколатхона раҳбарини аккредитлаштириш, қоидага кўра, агреман бери лиши ва ишонч ёрлиғини дав лат раҳбарига топ шириш маросими билан тугалланади.

Алоҳида консуллик муассасасининг раҳбари мезбон давлат томонидан экзекватура берилганидан сўнг аккредитлаштирилган ҳисобланади.

**Акт дипломатический** - действие или заявление органов внешних сношений и должностных лиц субъектов международного права, влекущие за собой международные политические или правовые последствия.

Международная практика предусматривает различные виды дипломатических актов (установление дипломатических отношений, вручение верительных грамот, заявление с изложением позиций и т.д.). Их применение определяется международными обычаями, международными договорами, протокольными правилами и нормами внутригосударственного права по вопросам дипломатической службы.

Под дипломатическим актом понимаются также письменные дипломатические документы (договор, нота, меморандум). Дипломатический акт, как по содержанию, так и по форме должен находиться в полном соответствии с требованиями современного международного права и практики. Прибегать к видам дипломатических актов, которые не отвечают этим требованиям, является противоправным. Например, современное дипломатическое право не допускает коллективных выступлений дипломатического корпуса, за исключением отдельных протокольных вопросов.

**Дипломатик акт** - халқаро ҳуқуқ субъектлари бўлмиш ташқи муносабатлар органлари ва мансабдор шахсларнинг халқаро сиёсий ва ҳуқуқиқий оқибатларга келтирувчи ҳаракати ёки баёноти.

Халқаро амалиётда дипломатик актнинг бир неча турлари кўзда тутилган (дипломатик муносабатларни ўрнатиш, ишонч ёрлиғини топшириш, позицияни ёритувчи баёнотлар ва хоказо). Уларнинг ҳаётга тадбиқ қилиниши ҳалқаро анъаналар, халқаро шартномалар, протокол қоидалари ва дипломатик хизмат масалалари бўйича давлатнинг ички ҳуқуқий меъёрлари билан белгиланади.

Дипломатик акт деганда ёзма дипломатик хужжатлар (шартнома, нота, меморандум) ҳам англанади. Дипломатик акт мазмуни ва шаклига кўра замонавий халқаро ҳуқуқ ва амалиёт талабларига тўла мувофиқ бўлиши лозим. Мазкур талабларга жавоб бермайдиган дипломатик акт турларидан фойдаланиш қонунга хилофдир. Масалан, замонавий дипломатик ҳуқуқ, айрим протокол масалаларини ҳисобга олмаганда, дипломатик корпуснинг оммавий чиқишларига йўл қўймайди.

**Альтернат** [от лат. alternare – чередоваться] - очередность подписания сторонами текста международного договора. В порядке альтерната (чередования) осуществляется подписание двусторонних договоров.

Альтернат означает, что подписи представителей государств ставятся друг против друга либо одна под другой. В экземпляре договора (на двух языках) подпись слева (в текстах на арабском языке - справа) или сверху ставит представитель того государства, у которого будет храниться данный экземпляр договора. В таком экземпляре название этого государства упоминается первым.

| | |
|---|---|
| **Альтернат** [лот. alternare – навбатма - навбат] | - халқаро шартноманинг матнини навбат Билан имзолаш. Икки томонлама шартномаларнинг имзоланиши навбатлашиш яъни алтернат тартибида амалга оширилади. Алтернат тартиби давлатлар вакилларининг имзоларини бирининг қаршисига иккинчисини ёки келишилган алфавит асосида бирининг остига иккинчисини қўйилишини билдиради. Асл нусхалари (икки тилдан) сақланадиган давлат вакили ўз нусхасини чап тарафга (араб тилида бўлса – ўнг тарафга) қўяди. Бундай холатда шу давлатнинг номи рўйхатда биринчи ўринда бўлади. |
| **Архивы консульские** | - включают все бумаги, документы, корреспонденцию, книги, фильмы, ленты звукозаписи и реестры консульского учреждения вместе с шифрами и кодами, картотеками и любыми предметами обстановки, предназначенными для обеспечения их сохранности или хранения. |
| **Консуллик архиви** | Сақланиши ёки сақланиши таъминланиши лозим бўлган барча хужжатлар, хатлар, китоблар, фильмлар, овоз ёзилган ленталар, шифр ва кодлари Билан консуллик муассасининг рўйхат дафтарлари, картотекаларни ўз ичига олади. |
| **Атташе** | - должность или ранг дипломатического |

работника.

В международной практике существуют следующие категории атташе:

1. атташе военные, военно-морские, военно-воздушные являются представителями своего военного ведомства при военном ведомстве страны пребывания. Одновременно они являются советниками дипломатического представителя по военным вопросам;

2. атташе специальные являются представителями различных ведомств своей страны – по промышленности, финансам, торговле, культуре, технике и т.п.;

3. атташе печати (пресс-атташе) – ответсвенный работник дипломатического представительства ведающий вопросами печати и информации этого представительства;

4. атташе дипломатический – младший дипломатический работник дипломатического представительства или центрального аппарата министерства иностранных дел. На должность дипломатического атташе назначаются лица, начинающие свою дипломатическую службу;

5. атташе почетные – лица, избравшие дипломатическую карьеру, но еще не числящиеся на постоянной службе и не получающие жалованья. Атташе почетные получают право проходить стажировку в каком-либо дипломатическом представительстве. По окончании стажировки они зачисляются на штатную дипломатическую службу.

Все категории атташе являются дипломатическими работниками, включаются в состав дипломатического корпуса и пользуются всеми дипломатическими иммунитетами и привилегиями.

В соответствии со статьей 4 Закона Республики Узбекистан «Об установлении дипломатических классов и рангов для дипломатических работников Республики Узбекистан» от 3 июля 1992 года, начальный дипломатический ранг атташе присваивается

лицу, проработавшему на дипломатической службе не менее одного года.

**Атташе** - дипломатик ходимнинг лавозими ёки ранги.

Халқаро амалиётда атташенинг қуйидаги категориялари мавжуд:

1. ҳарбий, ҳарбий-денгиз, ҳарбий-ҳаво атташелари. Уларнинг ҳар бири ўз ҳарбий идорасининг мезбон давлат ҳарбий идораси ҳузуридаги вакили ҳисобланадилар. Бир вақтни ўзида улар дипломатик вакилнинг ҳарбий масалалар бўйича маслаҳатчиларидир.
2. махсус атташелар. Улар ўз давлатларининг саноат, молия, савдо, маданият, техника каби соҳалари билан боғлиқ турли идораларининг вакилларидир.
3. матбуот атташеси (пресс-атташе) – дипломатик ваколатхонанинг матбуот ва ахборот масалаларини бошқарувчи масъул ходими
4. дипломатик атташе – ташқи ишлар вазирлиги марказий аппаратининг ёки дипломатик ваколатхонанинг кичик дипломатик ходими.
5. фахрий атташелар – дипломатик касбни танлаган лекин хозирча доимий хизматга жойлашган ва иш ҳақи ҳам олмайдиган шахслар. Фаҳрий атташелар Бирон дипломатик ваколатхонада малака ошириш ҳуқуқини оладилар. Малакка оширишни тугаши Билан улар дипломатик хизматнинг штатига ўтқизиладилар.

Атташе категорияларининг ҳаммаси дипломатик ҳодимлар ҳисобланадилар, дипломатик корпус таркибига киритиладилар ва барча дипломатик иммунитет ва имтиёзлардан фойдаланадилар.

Ўзбекистон Республикасининг 3 июл 1992 йилда қабул қилинган «Ўзбекистон

Республикасининг дипломатик ходимлари учун дипломатик класслар ва рангларни белгилаш» тўғрисидаги қонуннинг 4 моддасига биноан бошланғич дипломатик атташе ранги энг камида бир йил дипломатик хизматда ишлаган шахсга берилади.

## Б.

**Болезнь дипломатическая**

- для дипломата, политического деятеля или участника переговоров часто бывает желательно отсутствовать во время какой-нибудь церемонии или заседания. Чтобы не причинить обиды, он ссылается на болезнь. В тех случаях, когда эта болезнь – вымышленный предлог, она называется дипломатической болезнью.

**Дипломатик касаллик**

Дипломат сиёсий арбоб ёки музокаралар қатнашувчиларида кўпинча бирор маросим ёки мажлисда қатнашмаслик истаги пайдо бўлади. Ташкилотчиларни ранжитмаслик учун касаллик ҳақиқатда ўйлаб чиқарилган бахона бўлса, у ҳамда касаллик дипломатик касаллик деб аталади.

## В.

**Вализа (дипломатическая, консульская)** [от фр. valise – чемодан]

- почтовый мешок (сумка, пакет, конверт) дипломатического курьера, опечатанный сургучной печатью и опломбированный. Вализа может содержать только официальную корреспонденцию и документы или товары, предназначенные исключительно для официального пользования.

Пользуется неприкосновенностью.

**Вализа (дипломатик, консуллик)**
[фр. valise - чемодан]

- дипломатик курьернинг сурғучланган ва пломбаланган почта қопи (тўрва, қоғоз халта, конверт); Вализага фақат расмий хатлар ва хужжатлар ёки расмий фойдаланишга мўлжалланган товарлар солиниши мумкин.

Дахлсизлик ҳуқуқига эга.

**Ведомство иностранных дел**

- централизованный аппарат государственного управления, непосредственно и повседневно осуществляющий дипломатическую деятельность данного государства, непосредственно организующий и координирующий внешние сношения государства.

Ведомство иностранных дел посылает директивы и дает указания дипломатическим представительствам и консульствам своей страны, наблюдает за их деятельностью, направляет и контролирует её.

Ведомство иностранных дел поддерживает и ведет переговоры с иностранными дипломатическими представителями и делегациями, готовит проекты соглашений, обрабатывает поступающую информацию, представляет на решение правительства все важные вопросы внешней политики.

На ведомстве иностранных дел лежит защита интересов субъекта международного права и его граждан за границей.

В большинстве стран мира ведомства внешних сношений называются министерствами иностранных дел. Встречаются и другие названия: в США – Государственный департамент, в Англии – Форин офис, во Франции – Министерство внешних сношений.

Министерство иностранных дел Республики Узбекистан – орган, который практически осуществляет внешнюю политику, представляет государство на международной арене, в контактах с другими государствами. На министерство возложена обязанность обобщать и анализировать информацию, касающуюся общей международной обстановки, готовить

предложения по вопросам внешней политики страны. В этих целях министерство имеет постоянные контакты со своими посольствами, представительствами при международных организациях и консульскими учреждениями за рубежом и руководит их работой, осуществляет связи с иностранными дипломатическими представительствами в Ташкенте, участвует в подготовке и в приеме иностранных государственных и правительственных делегаций, осуществлении визитов государственных представителей Республики Узбекистан в зарубежные страны.

**Ташқи ишлар идораси**

Давлатнинг дипломатик фаолиятини кунда ва бевосита амалга оширувчи, давлатнинг ташқи муносабатларини бевосита ташкил этувчи ва мувофиқлаштирувчи марказлаштирилган давлат бошқарув аппарати.

Ташқи ишлар идораси ўз давлатининг дипломатик ваколатхоналари ва консулхоналарига директивалар ва кўрсатмалар юборади, уларнинг фаолиятини кузатади, йўллайди ва назорат қилади.

Ташқи ишлар идораси хорижий дипломатик вакиллар ва делигациялар Билан муносабатда бўлади, музокаралар олиб боради битимлар лойиҳаларини тайёрлайди, келаяпган маълумотларни қайта ишлаш, хуқуматга ҳал қилиш учун ташқи сиёсат билан боғлик барча муҳим масалаларни хукуматга тақдим этади.

Ташқи ишлар идорасига халқаро ҳуқуқ субъект ива унинг чет эллардаги фуқаролари манфаатларини ҳимоя қилиши юкланган.

Аксарият давлатларда ташқи муносабатлар идоралари ташқи ишлар вазирлиги деб аталади. Бошқача номлар ҳам учрайди, масалан: АҚШда – Давлат департаменти, Англияда – Форин офис, Францияда – Ташқи муносабатлар вазирлиги.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги – ташқи сиёсатни амалга оширувчи, халқаро майдонда ҳамда бошқа давлатлар билан алоқалар боғлашда ўз давлати намоёндалиги

вазифасини ўтовчи орган. Вазирлик зиммасига халқаро холат билан боғлиқ маълумотларни умумлаштириши ва таҳлил қилиш, давлатнинг ташқи сиёсати бўйича таклифлар тайёрлаш вазифалари юкланган. Шу мақсадда вазирлик ўзининг чет эллардаги элчихоналари, халқаро ташкилотлар ҳузуридаги ваколатхоналари ва консулхоналари билан доимий алоқада бўлиб, уларнинг ишига раҳбарлик қилади, Тошкентдаги дипломатик ваколатхоналар билан алоқаларни амалга оширади, чет эл давлат ва ҳукумат делегацияларини қабул қилишда ҳамда Ўзбекистон Республикаси давлат намояндаларининг чет давлатларга ташрифларини тайёрлашда қатнашади.

| | |
|---|---|
| **Вежливость международная** | - совокупность общепринятых в международной практике правил этикета, почтительности и уважения, соблюдаемых в отношениях между государствами. Международная вежливость касается всего, что символизирует государство или его представляет. Преднамеренное нарушение международной вежливости рассматривается как оскорбление государства и нанесение ущерба его престижу. |
| **Халқаро эҳтиром** | - давлатлараро муносабатларда риоя қилинадиган халқаро амалиётда ҳаммага расм бўлиб қолган этикет қоидалари, иззат, ҳурмат мажмуасидир. Халқаро эҳтиром давлатнинг рамзлари ва вакилларига дахлдордир. Халқаро эҳтиромни атайлаб бузилиши давлатни ҳақорат қилиш ва унинг обрўсига зарар етказиш деб тушунилади. |
| **Венская конвенция о дипломатических сношениях 1961г**. | - принята 18 апреля 1961 г. в Вене представителями большинства государств мира – членов ООН, которая до настоящего времени регулирует многие вопросы дипломатической практики.<br>Венская конвенция о дипломатических сношениях является основой и фундаментом дипломатического права. Она вошла в национальные законодательства многих государств, которые приняли в связи с этим |

специальные законы.

Участниками Венской конвенции являются более 174 государств. Республика Узбекистан присоединилась к ней 6 мая 1994г. постановлением Олий Мажлиса за № 1078-XII. Участие Узбекистана в данной Конвенции означает, что нормы и положения, закрепленные в ней, имеют обязательную силу для Узбекистана.

Конвенция состоит из 53 статей, в которых нашли отражение вопросы касающиеся статуса дипломатического представительства, его главы и персонала, иммунитетов и привилегий, неприкосновенности помещений, архивов и документов, личной неприкосновенности дипломатических агентов.

**Дипломатик муносабатлар ҳақида 1961 йил Вена конвенцияси**

Ҳозирги кунга қадар дипломатик амалиётнинг кўпгина масалаларини бошқариб келган Дипломатик муносабатлар ҳақида ушбу Вена Конвенцияси 1961 йилнинг 18 апрелида Вена шаҳрида БМТга аъзо аксарият давлатлар вакиллари томонидан қабул қилинган.

Вена конвенцияси дипломатик ҳуқуқнинг асоси ҳисобланади. У кўп давлатларнинг миллий қонунчилигига кириб борган ва улар у билан боғлиқ махсус қонунлар қабул қилганлар.

Конвенцияга 174дан ортиқ давлатлар қўшилдилар. Ўзбекистон Республикаси ушбу конвенцияга 1994 йилнинг 6 майида қўшилди. Олий Мажлиснинг №1078 – XII сонли қарори Ўзбекистоннинг мазкур конвенцияга қўшилиши, унда мужассамланган қонун-қоидалар ва меъёрлар Ўзбекистон учун мажбурий кучга эгалигини англатади. Ўз дипломатик фаолиятида Республика айнан мана шу халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларга асосланади.

Конвенция 53 та моддадан иборат. Уларда дипломатик ваколатхона, унинг раҳбари ва ходимларининг статуси, иммунитет ва имтиёзлари, иморатлари, архиви ва хужжатларининг дахлсизлиги хамда дипломатик агентлар (вакиллар)нинг шахсий дахлсизлиги масалалари ўз аксини топган.

**Венская Конвенция о консульских сношениях 1963г.**

- разработана в рамках ООН и принята на конференции в 1963 году; 19 марта 1967 г. вступила в силу.

1 апреля 1992 г. Республика Узбекистан присоединилась к Венской конвенции, а 6 мая 1994 г. Олий Мажлис Республики Узбекистан ратифицировал ее.

Республика Узбекистан, как участник, выполняет обязательства и осуществляет права, вытекающие из этой конвенции. По состоянию на 1 января 2000 г. участниками Венской конвенции являются 160 государств.

Это – универсальная конвенция, регулирующая практически все вопросы консульских отношений между государствами. Она систематизировала нормы международного консульского права, обобщила существующую консульскую практику и явилась первым важным шагом на пути официальной кодификации международного консульского права.

**Консуллик муносабатлари ҳақида 1963 йил Вена Конвенцияси**

- БМТ доирасида ишлаб чиқилган ва 1963 йилда Вена шаҳрида бўлиб ўтган халқаро конференцияда қабул қилинган; 1967 йил 19 мартда расмий кучга кирган.

Ўзбекистон Республикаси Вена конвенциясига 1992 йил 1 апрелда қўшилган. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси эса уни 1994 йил 6 майда тасдиқлаган.

Ўзбекистон Республикаси иштирокчи сифатида ўз мажбуриятларини бажармоқда ва ушбу конвенциядан келиб чиқадиган ҳуқуқларини амалга оширмоқда. 2000 йил 1 январдаги ҳолатга кўра 160 мамлакат Вена конвенцияси иштирокчиси ҳисобланади.

Конвенция давлатлар ўртасидаги деярли барча консуллик муносабатларини тартибга солувчи универсал хужжатдир. У халқаро консуллик ҳуқуқи нормаларини системалаштирди, мавжуд бўлган консуллик амалиётини умумлаштирди ва халқаро

консуллик ҳуқуқини расмий кодификациялаш йўлидаги илк қадам бўлди.

**Вербальная нота** - наиболее распространенный вид документа дипломатической переписки. В вербальной ноте излагаются самые разнообразные вопросы, возникающие в деятельности министерства или иностранного дипломатического представительства. Текст вербальной ноты составляется в третьем лице, печатается на нотном бланке. Она не подписывается, но иногда под текстом ставятся инициалы лиц, выпускающих ноту. Адрес указывается в нижнем левом углу первой страницы. Под текстом ноты указывается место и дата её отправки. На вербальной ноте ставится мастичная печать министерства иностранных дел или дипломатического представительства. Обязательно указывается исходящий номер.

**Вербал нота** - дипломатик ёзишманинг кенг тарқалган ҳужжат тури. Вербал нотада вазирлик ёки чет эл дипломатик ваколатхонасининг фаолияти давомида пайдо бўладиган турли саволлар баён қилинади. Вербал нота матни учинчи шахс номидан тузилиб, нота бланкида ёзилади. У имзоланмайди, аммо баъзан матн тагида нота чиқарувчиларнинг исм-шарифларининг бош ҳарфлари қўйилиши мумкин. Манзил биринчи варақнинг пастки чап бурчагида кўрсатилади. Нота матни тагида уни жўнатиш жойи ва санаси кўрсатилади. Вербал нотага Ташқи ишлар вазирлиги ёки дипломатик ваколатхонанинг мойли муҳри қўйилади. Чиқув рақамининг бўлиши шарт.

**Верительные грамоты** (фр. Letters de creance) – (употребляется во множественном числе) - документ, которым снабжается глава дипломатического представительства класса послов или посланников для удостоверения его представительного характера и аккредитования в иностранном государстве.

В тексте указывается, что глава государства просит главу другого государства, к

которому верительные грамоты адресованы, верить всему тому, что данный дипломатический представитель будет излагать в стране пребывания. Фиксируется, кто направляется в качестве дипломатического представителя и в каком ранге.

Верительные грамоты подписываются главой государства, назначающего дипломатического представителя и скрепляется подписью и печатью министра иностраннқх дел. В государствах с монархической формой правления, подписанная монархом верительная грамота, скрепляется подписью и печатью премьер-министра и министра иностранных дел.

В соответствии с протокольной практикой Республики Узбекистан, верительные грамоты принимает Президент Республики Узбекистан в своей официальной резиденции «Ок Сарой». На церемонии присутствует министр иностранных дел Республики Узбекистан, посла сопровождает один дипломат посольства; после вручения грамот глава государства дает послу, так называемую, частную аудиенцию (беседует с послом), по окончании беседы послу вручается памятный подарок и осуществляется фотографирование.

**Ишонч ёрлиғи** (фр. Letters de creance) - элчилар ва вакиллар классига мансуб дипломатик ваколатхона раҳбарига унинг шу лавозимга тайинланганини тасдиқловчи ва хорижий давлатда аккредитация қилиниши учун бериладиган расмий дипломатик хужжат.

Ишонч ёрлиғини дипломатик вакилни тайинлаган давлат раҳбари имзолайди ва шу давлатнинг ташқи ишлар вазири ўз имзоси ва муҳри билан гувоҳлайди. Монарх бошлиқ давлатларда эса, масалан Япония императорининг имзоси билан тасдиқланган ишонч ёрлиғини хукумат бошлиғи ва ташқи ишлар вазири ўз имзолари ва муҳрлари билан гувоҳлайдилар.

Ишонч ёрлиғи матнида, одатда, давлат раҳбари дипломатик вакил этиб кимни ва қайси статусда тайинлаганини қабул қилувчи давлат

раҳбарига билдириши ҳамда у кишидан дипломатик вакилнинг барча баёнотларига ишонч билдиришини сўраши ўз аксини топади.

Ўзбекистонда, протокол амалиётига мувофиқ, янги тайинланган хорижий элчилардан ишонч ёрлиқларини Ўзбекистон Республикасининг Президенти ўзининг расмий қароргоҳи «Оқ сарой»да қабул қилиб олади. Маросимда Ташқи ишлар вазири, давлат протоколи хизматининг бошлиғи ва, лозим бўлса, таржимон қатнашадилар. Элчини дипломатик ваколатхонанинг бир дипломатик ходими кузатиб келади.

Ёрлиқ топширилгандан сўнг, давлат раҳбари ва элчи ўртасида жуда мазмунли суҳбат бўлади. Маросим Президентнинг элчига эсдалик совғасини топшириши ва биргаликда расмга тушиши билан якунланади.

**Виза**
[от лат. Visus – просмотренный]

- отметка в паспорте или документе, его заменяющем, о разрешении на выезд его владельца за пределы государства, въезд на территорию государства или проезд через нее.

Визы предназначены для регулирования потока иностранцев, пересекающих границу, а также для их учета.

Визы в подавляющем большинстве случаев выдаются заранее консульскими учреждениями (консульствами, консульскими отделами посольств). Для получения визы в посольство или консульство заранее (иногда за несколько недель) подается анкета-заявление с просьбой о выдаче визы. Многие страны при этом осуществляют визовый сбор.

Визы выдаются на определенный срок (от нескольких дней до года или даже более) и могут разрешать однократный въезд в посещаемую страну или многократные поездки. Как правило, в тексте визы упоминается срок, на который данное лицо может въехать в страну.

В зависимости от оснований деления, визы бывают:

1) дипломатические, служебные,

обыкновенные и туристические;

2) въездные, въездные – выездные, выездные – въездные, выездные и транзитные;

3) одно-, двух-, трехкратные и многократные.

Кроме этого бывают групповые визы.

Дипломатические и служебные визы – соответственно для лиц с дипломатическим или служебным паспортом, выезжающих по служебным делам. Такие визы оформляются через министерство иностранных дел, которое само связывается с посольством или консульством.

**Виза**
[lot. Visus – кўриб чиқилган]

- паспорт ёки унинг ўрнини босувчи бошқа ҳужжат эгасининг давлат чегарасидан чиқиши, давлат ҳудудига кириши ёки давлат худуди орқали ўтишига рухсат берувчи белги.

Визалар чегарадан штиб келувчи чет элликлар оқимини тартибга соли шва рўйхатга олиш учун мўлжалланган.

Асос визалар қуйидаги турларга бўлинади:

1) дипломатик, хизмат, оддий ва туристик;
2) кириш, кириш-чиқиш, чиқиш – кириш, чиқиш ва транзит визалар;
3) бир, икки, уч ва кўп марталик визалар.

Улардан ташқари гуруҳ визалари ҳам бўлади.

Дипломатик ва хизмат визалари иш юзасидан чет элларга кетаяпган, дипломатик ёки хизмат паспортларига эга шахсларга берилади. Бундай визалар Ташқи ишлар вазирлиги орқали расмийлаштирилади.

**Визит дипломатический**

- средство установления и поддержания деловых связей сотрудников дипломатических представительств с официальными и другими кругами страны пребывания, а также членами местного дипломатического корпуса, является важной и активной формой дипломатической работы.

После вручения верительных грамот

дипломат знакомится с представителями властей, деловой и культурной общественности, с дипломатами иностранных государств. Визит дипломатический наносится также в порядке текущей дипломатической работы. Его целью является изучение политической, экономической и культурной жизни страны пребывания, разъяснение вопросов внешней и внутренней политики своего государства.

**Дипломатик ташриф** - дипломатик ваколатхоналар ходимлари ваколатхоналар жойлашган давлатларнинг турли, хусусан расмий доиралари, шунингдек, маҳаллий дипломатик корпус аъзолари билан хизмат алоқаларини ўрнатиш ва юритиш воситаси сифатида дипломатик хизматнинг муҳим ва фаол шакли ҳисобланади. Ишонч ёрлиғини топширгандан сўнг элчи ҳокимият вакиллари, имбилармонлар ва маданият жамоатчилиги, намояндалари, хорижий давлатлар дипломатлари билан танишади. Дипломатик ташриф жорий дипломатик хизмат давомида иш юзасидан ҳам бўлиши мумкин. Ушбу ташрифдан мақсад, яшаб турган мамлакатнинг сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаётини ўрганиш, ўз давлатининг ташқи ва ички сиёсати масалаларини тушунтиришдан иборатдир.

**Вице-консул** - звание (класс) консула, возглавляющего вице-консульство в стране пребывания или являющегося заместителем консула в консульском учреждении, имеющем болем высокий класс, например в генеральном консульстве или консульстве.

**Вице-консул** - консулнинг унвони (классі). Вице-консул қабул қилувчи мезбон давлат ҳудудида фаолият кўрсатаяпган вице-консуллик муассасининг раҳбари ёки класс жиҳатидан юкори бўлган бош консулхона ёки консулхона рахбарининг ўринбосари ҳисобланади.

**Временный поверенный в делах** (фр. Charge d'Affaires ad interim) - лицо, временно исполняющее обязанности главы дипломатического представительства. Он назначается в случае, если пост главы представительства вакантен

или если глава представительства не в состоянии выполнять свои функции, из числа сотрудников посольства высшего ранга.

Временный поверенный в делах пользуется правами и привилегиями главы дипломатического представительства, кроме некоторых протокольных почестей.

Агреман на временного поверенного в делах не запрашивается. О назначении временного поверенного в делах сообщается министру иностранных дел страны пребывания личным письмом дипломатического представителя накануне его отъезда из страны.

**Муваққат ишлар вакили** - дипломатик ваколатхона раҳбарининг вазифаларини вақтинча бажарувчи шахс. Бу лавозимга ваколатхонанинг юқори дипломатик рангдаги ходимларидан бири ваколатхона раҳбарининг йўқлигида унинг вазифаларини адо этиш учун тайинланади.

Муваққат ишлар вакили дипломатик ваколатхона раҳбарининг айрим протокол эхтиромларидан ташқари ҳамма ҳуқуқ ва имтиёзларидан фойдаланади.

Муваққат ишлар вакилини тайинлаш учун агреман сўралмайди. Муваққат ишлар вакилини тайинланиши ҳақидаги хабарни дипломатик ваколатхона раҳбари мамлакатдан чиқиб кетиш арафасида ўз шахсий хати билан мезбон давлат Ташқи ишлар вазирига билдиради.

# Г.

**Гражданство** - устойчивая правовая связь человека с государством, выражающаяся в совокупности их взаимных прав, обязанностей и ответственности, основанная на признании и уважении достоинства, основных прав и свобод человека.

**Фуқаролик** - инсон ва давлат ўртасида инсоннинг қадр – қиммати, асосий ҳуқуқлари ва эркинлигини тан олиш ҳамда ҳурмат қилишга асосланган ўзаро ҳуқуқий турғун боғликлик бўлиб, у ўзида

мужассам этган икки томоннинг ҳуқуқлари, бурчлари ва масъулиятларини ифода этади.

# Д.

**Двойное гражданство (бипатризм)** - принадлежность лица одновременно к гражданству двух и более государств, подтверждающееся соответствующими документами. Двойное гражданство может возникать как по рождению, так и в результате приема лица в гражданство другого государства, если оно одновременно не утрачивает прежнее гражданство. В конституционном праве различных стран по-разному решается вопрос о допустимости двойного гражданства и его последствиях.

**Икки фуқаролик** - шахснинг, бир вақтнинг ўзида тегишли хужжатлар билан тасдиқланган холда икки ёки ундан ортиқ давлат фуқаролигига мансублиги. Икки фуқаролик холати кўпинча муайян шахснинг туғилган жойи асосида бир давлат фуқароси бўла туриб, иккинчи давлат томонидан уни ўз фуқаролигига қабул қилиниши натижасида пайдо бўлиши мумкин. Конституцион ҳуқуқ доирасида икки фуқаролик масаласи ва унинг оқибатларига турли давлатларда турлича шаклда ёндошилади.

**Дезавуирование** - опровержение действий своего дипломатического представителя или иного официального уполномоченного лица правительством или другим компетентным органом государства. При дезавуировании заявляется, что дипломатический представитель действовал без поручения или в нарушение данных ему полномочий.

Таким образом, государство предусматривает цель снять с себя ответственность за действия дезавуированного представителя и их политические или международно-правовые последствия. В дипломатической практике известно немало

случаев дезавуирования. Дезавуированный дипломатический представитель обычно отзывается своим правительством.

**Дезавуирлаш** - ҳукумат ёки бошқа компетент давлат органи томонидан ўзининг дипломатик вакили ёки ваколатли намояндасининг ҳатти-ҳаракатларини рад этилиши. Дезавуирлаш ҳолатида дипломатик вакил топшириқсиз ёки берилган ўз ваколатларини бузган ҳолда ҳаракат қилгани тўғрисида баёнот берилади. Шундай қилиб, давлат дезавуирлаш билан ўз вакилининг ҳаракатлари учун жавобгарлик ва улардан келиб чиқадиган сиёсий ёки халқаро - ҳуқуқий оқибатларни ўз зиммасидан соқит қилишни мақсад қилиб қўяди. Дипломатик амалиётда бир қанча дезавуирлаш ҳолатлари кузатилган. Бундай холатга тушган дипломатик вакил ёки ваколатли намоянда, одатда, ҳукумат ёки компетент орган томонидан чақириб олинади.

**Демарш** - чрезвычайное выступление правительства, органов внешних сношений одного государства в отношении другого государства, которое может выражаться в различных дипломатических актах – заявлении, ноте, меморандуме, отзыве дипломатического представителя и др. Как правило, демарш предпринимается в том случае, когда разрешение возникшего спора не достигается в порядке нормальной дипломатической работы, и если для его урегулирования требуется срочных мер. Содержанием демарша бывает просьба, требование, предложение и т.д.

**Демарш** - бир давлат хукумати, ташқи алоқалар органларининг бошқа давлатга нисбатан фавқулодда чиқиши. Демарш турли актларда – баёнотлар эълон қилиниши, ноталар йўналиши, меморандум, дипломатик вакилнинг чақириб олиш каби харакатларда ўз ифодасини топади. Фавқулодда чиқишдан, одатда, пайдо бўлган тортишув ҳал қилинишига дипломатик хизмат йшли билан эришилмаса ва агарда тартибга

солиш учун зудлик билан чора-тадбирлар кўриш лозим бўлган, холда фойдаланилади. Демаршнинг мазмуни илтимос, талаб, таклифдан иборат бўлади.

**Дипломат** - работник ведомства внешних сношений (центрального или зарубежного аппарата), который в силу занимаемой должности непосредственно участвует в осуществлении функций этого ведомства в области официальных контактов с иностранными государствами. В широком смысле этого слова дипломат – лицо, на которое официально возложена задача осуществления на постоянной или временной основе тех или иных внешнеполитических функций.

Дипломат должен обладать такими личными качествами, как политические знания, личная теплота и отзывчивость, интеллектуальное любопытство и стремление к обучению, лидерство, практический ум.

Дипломат должен иметь профессиональные навыки, такие как: навык переговоров и повседневной дипломатии, навык наблюдения, анализа и подготовки докладов, представительский навык, навык управления миссией, коммуникативный навык и навык публичной дипломатии, навыки, связанные с сопоставлением разных культур.

Перечисленные знания и качества, требуемые для отличного дипломата, следует сказать, редко присущи одному человеку; эти знания и требования являются, скорее, целью, к которой им надо стремиться в своей работе.

Обычно дипломат обладает дипломатическим иммунитетом.

**Дипломат** - ташқи алоқалар идораси (марказий ёки хорижий аппарат) ходими. Эгаллаб турган лавозимига кўра у ўша идоранинг вазифаларини хорижий давлатлар билан расмий муносабатлар доирасида амалга ошириши лозим бўлган вазифаларни бажаришда бевосита иштирок этади. Кенг маънода дипломат – у ёки бу ташқи сиёсий масалаларни доимий ёки вақтинчалик

асосда бажариш вазифаси расмий равишда юкланган шахс.

Дипломат сиёсий билимлаони эгаллаш, интеллектуал изланиш, ўрганишга қизиқиш, илмга чанқоқлик, сезгирлик, самимийлик, лидерлик, амалий ақл соҳиби бўлиш каби шахсий хусусиятлар ва қобилиятларга эга бўлмоғи лозим.

Дипломат қуйидаги касбий тажриба ва малакаларга эга бўлмоғи даркор, музокаралар ва сухбатлар олиб бориш, кузатиш, таҳлил қилиш ва маърузалар тайёрлаш, вакиллик қоидаларни билиш, жамоани бошқара олиш, коммуникативлик ва оммавий дипломатия малакаси, турли халқлар маданиятини қиёслаш ва хоказо. Профессионал дипломат учун зарур бўлган юқорида санаб ўтилган билим ва сифатлар кам ҳолларда бир инсонга хос бўлиши мумкин. Бу талаб билимва хусусиятлар дипломатлар учун нихоятда муҳимки, уларга етишиш учун ўзларининг бутун фаолиятлари давомида интилишлари керак.

**Дипломатический протокол** [греч.protokollon: protos – первый и kola – клеить]

- в средние века означало правило оформления документов, а затем правила ведения архива. Со временем слово «протокол» стало применяться к правилам ведения дипломатических дел. Отсюда возникает современное название дипломатический протокол.

Дипломатический протокол – это совокупность правил, традиций и условностей, соблюдаемых правительствами, ведомствами иностранных дел, учреждениями и дипломатическими представительствами, а также официальными лицами в международном общении.

Отдельные нормы дипломатического протокола называют церемониалом, например, церемониал вручения верительных грамот, церемониал встречи или проводов официальных делегаций и т.п.

Протокол отражает состояние отношений с той или иной страной и полностью подчинен целям и задачам внешней политики.

Соблюдение протокола во внешних формах международного общения является обязательным, поскольку отступление от его общепризнанных правил или нарушение их может нанести ущерб престижу другой страны или его официальным представителям и , следовательно, привести в какой-то мере к осложнениям во взаимоотношениях.

Дипломатический протокол координирует и вводит в практику правила церемониала и наблюдает за их применением, определяет методы, рамки, поведение и этикет, устанавливает правила официальной и личной переписки, формы одежды, одним словом, всего того, что необходимо для обеспечения каждому места и уважения, соответствующих его официальному положению.

| | |
|---|---|
| **Дипломатик протокол** [грек. Protokollon: protos – биринчи, kola – елимлаш] | - ўрта асрларда хужжатларни расмийлаштириш қоидасини, сўнг эса архив юритиш қоидаларини билдирган. Кейинчалик «протокол» сўзи дипломатик иш юритиш қоидаларида ишлатила бошланган. Шундан хозирги дипломатик протокол номи келиб чиққан. |

Дипломатик протокол – халқаро муносабатларда давлат рахбарлари, ҳукуматлар, ташқи ишлар идоралари ва дипломатик ваколатхоналар ҳамда расмий шахслар риоя қилувчи қоидалар, анъаналар ва шартликлар мажмуасидир.

Дипломатик протоколнинг айрим нормалари церемониал деб аталади. Масалан, ишонч ёрлиғини топшириш, расмий делегацияларни кутиш ва кузатиш церемониали ва хоказо.

Протокол у ёки бу давлат билан бўлган муносабатлар ҳолатини акс эттиради ва ташқи сиёсатнинг мақсад ва вазифаларига тўлиқ бўйсинади. Халқаро муносабатларнинг ҳамма шакллари ва йўналишларини ҳаётга тадбиқ этишда протоколга риоя қилиниши лозим, аксинча бошқа давлат ёки унинг расмий намояндалари обрўсига путур етказилиши, пировардида ўзаро муносабатларига маълум

даражада шикаст етказилиши мумкин.

Дипломатик протокол церемониал қоидаларни мувофиқлаштиради, ҳайтга тадбиқ этади ва уларнинг амалда бўлишларни назорат қилади, расмий ва шахсий ёзишма қоидаларни ўрнатади, шунингдек фаолият усуллари, доиралари, хулқатвор ва этикет нормаларини ҳамда кийим шаклини, бир сўз Билан айтганда ҳар бир шахсга унинг расмий мавқеига яраша ўрни ва ҳурмат бўлишини белгилайди.

**Дипломатическое право** - система международно-правовых норм, относящихся к статусу и функциям государственных органов внешних сношений (иными словами, регулирующих порядок установления и осуществления межгосударственных контактов). К дипломатическому праву относятся нормы, регулирующие межгосударственные отношения, возникающие в связи с обменом дипломатическими представительствами и их деятельностью, в связи с посылкой одним государством в другие специальной миссии, в связи с представительством государств в международных организациях и функционированием международных организаций на территории тех или иных государств, включая нормы, касающиеся привилегий и иммунитетов международных организаций, должностных лиц и служащих.

**Дипломатик ҳуқуқ** - ташқи алоқалар давлат органлари мақоми ва вазифаларига тегишли халқаро-ҳуқуқий меъёрлар тизимидир (бошқача қилиб айтганда, давлатлараро муносабатларни ўрнатиш ва амалга оширишни мувофиқлаштирувчи тартиб). Дипломатик ҳуқуққа дипломатик ваколатхоналар алмашинуви ва уларнинг фаолиятлари натижасида пайдо бўладиган давлатлараро алоқаларни тартибга солувчи меъёрлар, бир давлатдан бошқа давлатга махсус миссияларни юборилиши, давлатлар ваколатхоналарининг халқаро ташкилотларда ва халқаро ташкилотларнинг у ёки бу давлатлар ҳудудларида фаолият кўрсатиши, шунингдек,

халқаро ташкилотлар, уларнинг мансабдор ходимлари ва хизматчиларнинг иммунитетлари ва имтиёзларига тегишли меъёрларни ҳисобга олиш киради.

| | |
|---|---|
| **Дипломатия** [греч. Diploma – складывать] | - один из способов реализации внешней политики государства, совокупность невоенных практических мероприятий.<br>Дипломатия осуществляется в форме официальной деятельности глав государств, правительства, органов внешних сношений государства и непосредственно дипломатов, способствующей достижению целей и задач внешней политики и защите интересов своего государства и отдельных граждан за границей. |
| **Дипломатия** [грек. Diploma – тўпламоқ, йиғмоқ] | - давлатнинг ташқи сиёсатини амалга ошириш йўлларидан бири, ноҳарбий Амалий тадбирлар мажмуасидир. Дипломатия давлат раҳбари, хукумат, ташқи алоқалар давлат органлари ва бевосита дипломатлар томонидан давлат ва ташқи сиёсатнинг мақсад ва вазифаларини амалга ошириш ҳамда хорижда мамлакат ва унга мансуб айрим фуқароларнинг манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган расмий фаолият шаклида амалга оширилади. |
| **Дисмисл** (лат. – вне миссии) | - объявление дипломата частным лицом. Юридическим последствием дисмисла является распространение на соответствующее лицо юрисдикции государства пребывания в том объеме, что и на обычных иностранных граждан. Чаще всего прибегают не к дисмислу, а лишь к угрозе его применения. Так поступают обычно в тех случаях, когда дипломат, объявленный персоной нон грата, без уважительных причин продолжает находиться в государстве пребывания. |
| **Дисмисл** (лот. – миссиядан ташқари) | - дипломатнинг хусусий шахс деб эълон қилиниши. Дисмислнинг юридик оқибати бўлиб тегишли шахсга нисбатан у турган давлат томонидан оддий хорижий фуқароларга нисбатан қўлланиладиган ҳажмда давлат юрисдикциясининг қўлланиши ҳисобланади. |

Кўп ҳолларда дисмислдан эмас, балки уни қўллаш қурқитувидан фойдаланадилар. Бундай чора одатда персона нон грата яъни номақбул шахс деб эълон қилинган дипломатнинг узрли сабабсиз шу давлатда қолиши ҳолларида қўлланади.

**Дуайен**
[от французского doyen - старейшина]

- протокольный глава дипломатического корпуса в стране пребывания, который представляет всех аккредитованных дипломатов. Им, как правило, является глава дипломатического представительства высшего класса, вручивший верительные грамоты раньше других.

Функции дуайена дипломатического корпуса носят, прежде всего, протокольный характер. Он является консультантом для своих коллег, в особенности вновь прибывших, по вопросам местного протокола и этикета, взаимоотношений с властями страны пребывания. От имени дипломатического корпуса он выступает на различных церемониях, поздравляет, приносит соболезнования. В этом отношении положение дуайена очень деликатно и ответственно. Он должен тактично выражать мнение всех своих коллег, которые, естественно, придерживаются разных взглядов и оценок.

В то же время он не должен забывать, что представляет свое правительство и, следовательно, не может не отражать в своих акциях принципов внешней политики государства, которое он представляет. Положение дуайена позволяет послу занять в стране пребывания особое, более выгодное положение, чем обычному главе дипломатического представительства. Выступление от имени дипломатического корпуса повышает его престиж как среди правительственных кругов, так и среди общественности. Он получает возможность для установления и поддержания в стране пребывания более широких связей.

С юридической точки зрения, существующее мнение о праве дуайена выступать от имени дипломатического корпуса

перед правительством страны пребывания по всем вопросам дипломатических привилегий, ни на чем не основано, поскольку дипломатический корпус не является юридическим лицом или политическим объединением.

**Дуайен**
[француз. doyen - ]

- дипломатик корпуснинг протокол жиҳатдан оқсоқоли. Бу лавозимни, одатда, бошқа хамкасбларига нисбатан ўз ишонч ёрлиқларини биринчи топширган олий классга мансуб дипломатик ваколатхона раҳбари эгаллаши мумкин. Дипломатик корпус дуайенининг вазифалари, биринчи навбатда, протокол характерга эгадир. У ҳамкасбларига, айниқса, янги келганларга маҳаллий протокол ва этикет буйича, шунингдек, яшаб турилган давлатнинг хукумат органлари билан ўзаро муносабатларида маслаҳатчи бўлади.

У ҳар хил маросимларда дипкорпус номидан сўзга чиқади, табрик сўзлари айтади ва таъзия билдиради. Бу маънода дуайен ўта эҳтиёткор ва маъсулиятли бўлиши керак. Дуайен турли қарашларга эга бўлган барча ҳамкасбларининг истак-ҳохишини одоб билан ифода этиши лозим. Шу билан бирга, у ўз ҳукуматининг вакили эканлигини ва унинг манфаатларини, ташқи сиёсат принципларини вакил сифатида ўз фаолиятида акс эттиришни унутмаслиги лозим. Дуайен бўлиш элчига мезбон давлатда дипломатик ваколатхона раҳбари мақомига қараганда юқорироқ, фойдалироқ мавқега эга бўлиш имконини туғдиради.

Дипломатик корпус номидан сўзга чиқиш унинг хукумат доирасида ҳам, жамоатчилик орасида ҳам обрўйини оширади. Яшаб турган мамлакат билан кенгроқ алоқалар ўрнатиш ва қўллаб туриш имкониятига эга бўлади.

Юридик нуқтаи назардан, дуайеннинг мезбон давлат ҳукуматига дипломатик корпус номидан дипломатик имтиёзлар билан боғлиқ барча масалаларни кўтариб чиқишга ҳақли эканлиги ҳақидаги мавжуд фикр асоссиздир,

чунки дипломатик корпус юридик шах сёки сиёсий уюшма ҳисобланмайди.

# З.

**Защита дипломатическая** - защита, которую в соответствии с международным правом, по дипломатическим каналам государство оказывает своим гражданам в целях обеспечения или восстановления их прав и интересов, нарушенных иностранным государством.

Защита дипломатическая состоит в выполнении процедуры, имеющей своей целью реализацию ответственности государств за ущерб, нанесенный иностранному гражданину, и обеспечение или восстановление его прав. Государство, оказывающее дипломатическую защиту своему гражданину, заявляет другому государству претензию или протест с требованием возмещения понесенного ущерба, восстановления или обеспечения прав граждан.

**Дипломатик ҳимоя** - халқаро ҳуқуқ асосида муайян бир давлатнинг дипломатик восита ёрдамида ўз фуқароларини ҳимоя билан таъминлаши ёки уларнинг хорижий давлат томонидан бузилган ҳуқуқ ва манфаатларини тиклаши.

Дипломатик ҳимоянинг мазмуни чет эл фуқаросига етказилган зарарни қоплаш мақсадида ҳуқуқларини таъминлаш ёки тиклаш масъулиятини амалга оширишни ўзига мақсад қилиб қўйган маросимдан таркиб топади. Ўз фуқаросига дипломатик ҳимояни кўрсатаётган давлат бошқа давлатга даъво ёки етказилган зарарни қоплаш учун фуқаролар ҳуқуқларини тиклаш ёки таъминлаш тўғрисидаги эътироз билан мурожаат қилади.

**Земельный участок консульства** - в это понятие включаются, принадлежащие консульству двор, сад, автостоянка. Земельный участок, занимаемый консульством, рассматривается как часть территории аккредитуюўего государства, на которой действуют законы и постановления этого

государства, но с учетом иммунитетов и привилегий консульского учреждения.

**Консулхона ер участкаси** - бу тушунча консулхонага тегишли ховли, боғ, автомобилларни қўйиш жойи киради. Консулхона эгаллаб турган ер участкаси консулхона давлат худудининг бир бўлаги деб ҳисобланади ва унда шу давлатнинг қонунлари ва қарорлари консуллик муассасининг дахлсизлиги ва имтиёзларини ҳисобга олган холда юритилади.

# И.

**Известительная грамота** - письмо главы государства о своем избрании и вступлении в должность в адрес главы другого государства, с которым имеются дипломатические отношения.

В известительной грамоте обычно характеризуются отношения между этими государствами, и выражается желание развивать их в дальнейшем.

**Билдириш ёрлиғи** - бир давлат бошлиғининг дипломатик муносабатда бўлган иккинчи давлат бошлиғига ўзининг шу лавозимга сайлангани ва вазифаларини адо этишга киришгани ҳақида билдирувчи хати. Билдириш хатида, одатда, икки давлат ўртасидаги алоқаларга баҳо берилади ва уларни келажакда ривожлантириш истаги изҳор этилади.

**Иммунитеты и привилегии дипломатического представительства и его персонала** - это совокупность особых прав и преимуществ, которые предоставляются иностранным дипломатам, дипломатическим представительствам в странах пребывания в целях успешного выполнения возложенных на них обязанностей.

Дипломатический иммунитет подразумевает освобождение членов дипломатического корпуса от гражданской, административной, уголовной юрисдикции государства пребывания. Наличие иммунитета означает, что они не могут быть судимы местным судом.

Дипломатические привилегии – это некоторые права и преимущества, которые предоставляются членам дипломатического корпуса и их семьям в странах, где они официально работают (освобождение от местных налогов, таможенных пошлин, свободный без досмотра въезд и выезд из нее и т.д.).

Венская конвенция о дипломатических сношениях является основным универсальным международно-правовым документом, на основе которого регулируются многочисленные вопросы, касающиеся иммунитетов и привилегий дипломатов и дипломатических представительств. В некоторых государствах Венская конвенция вошла в национальные законодательства.

В Республике Узбекистан в развитие вышеупомянутой Конвенции принято также Положение «О дипломатических представительствах и консульских учреждениях иностранных государств в Республике Узбекистан», утвержденное постановлением №207 Кабинета Министров Республики Узбекистан 8 мая 2001 года.

Дипломатические иммунитеты и привилегии, как это зафиксировано в Конвенции, предоставляются не для выгоды отдельных лиц, а для эффективного осуществления функций дипломатов и дипломатических представительств. Иммунитеты являются исключительно персональными, а привилегии не могут быть переданы по соглашению от одного лица другому.

Основой иммунитета дипломата является его личная неприкосновенность. Власти обязаны предупреждать любые

посягательства на свободу и достоинство дипломата. Личная неприкосновенность дипломата прекращается, если он остается в стране пребывания на постоянное жительство. Неприкосновенность дипломата наступает с момента его приезда в страну и заканчивается после убытия. В обязанности властей страны пребывания входит обеспечение неприкосновенности дипломатических представительств, резиденции послов, зданий посольств и жилых помещений дипломатов.

**Дипломатик ваколатхона ва унинг ходимларининг иммунитети ва имтиёзлари** - зиммаларига юкланган вазифаларни муваффақият билан бажаришлари маҳсадида мезбон давлат томонидан хорижий дипломатлар ва дипломатик ваколатхоналарга бериладиган махсус ҳуқуқ ва имтиёзлар мажмуи.

Дипломатик иммунитет дипломатик корпус аъзоларини мезбон давлатнинг фуқаролик, маъмурий, жиноий юрисдикцияларидан озод этади. Иммунитетнинг мавжудлиги дипломатик ваколатхоналар ходимлари ва уларнинг оила аъзоларини ерлик судлар томонидан судга тортилмасликни билдиради.

Дипломатик имтиёзлар – бу дипломатик корпус аъзолари ва уларнинг оила аъзоларига расмий хизмат ўтаяпган давлатда берилган айрим ҳуқуқ ва имтиёзлар.

Дипломатик муносабатлар ҳақида Вена конвенцияси бунёдий халқаро ҳуқуқ хужжати хисобланиб, унинг асосида дипломатлар ва дипломатик ваколатхоналарнинг иммунитет ива имтиёзларига тегишли кўплаб масалалар мувофиқлаштирилади.

Айрим давлатларда Вена конвенцияси миллий қонун сифатида қабул қилинган. Ўзбекистон Республикасида ҳам мазкур Конвенцияси асосида «Ўзбекистон Республикасида хорижий дипломатик ваколатхоналар ва консуллик муассасалар ҳақида» номли Низом қабул қилинган ва Вазирлар Маҳкамасининг 207 – сон қарори билан 8 мой 2001 йилда тасдиқланган.

Конвенцияда қайд қилинганидек

дипломатик иммунитет ва имтиёзлар айрим шахсларнинг фойдаси учун эмас, балки дипломатлар ва дипломатик ваколатхоналарнинг ўз вазифаларини самарали бажаришлари учун берилади. Иммунитетлар шахсийдир; имтиёзларни эса келишув асосида бир шахсдан иккинчи шахсга ўтказиб бўлмайди.

Дипломат иммунитетининг асоси – унинг дахлсизлигидир. Ерлик хокимият дипломатнинг эркинлиги ва обрўсига қарши қаратилган ҳарқандай тажовуздан дарҳол огоҳлантириши лозим. Агар дипломат мезбон давлатда доимий яшаш учун қолса, у ҳолда ўз даҳлсизлигини йўқотади. Дипломатнинг дахлсизлиги мамлакат худудига кириши билан бошланиб, чиқиб кетиши билан ўз кўчини йўқотади. Мезбон давлат ҳукумати дипломатик ваколатхона, элчи қароргоҳи, элчихонага тегишли барча бинолар ва дипломатларнинг яшаш жойлари дахлсизлигини таъминлаши лозим.

**Иммунитеты консульские**

- изъятия из-под юрисдикции государства пребывания, распространяемые на консульских должностных лиц, членов их семей и имущество в отношении принудительных судебных, административных и фискальных мер органов государства пребывания, таких, в частности, как арест, обыск, допрос, налоги, иски, эмбарго, реквизиция, постой. Консульский иммунитет носит, как правило, функциональный характер, т.е. связан с отправлением консульских функций. Он начинается с момента вступления консульского работника на территорию государства пребывания и заканчивается по завершении им консульской миссии.

**Консуллик иммунитетлари**

- консуллик мансабдор шахслари, уларнинг оила аъзолари ва мулкларини мезбон давлат органларининг мажбурий суд, маъмурий ва фискал чораларига, шу жумладан, ҳибсга олиш, тинтув, сўроққа тортиш, даъво, солиқлар эмбарго, реквизиция қиласига тортмаслик учун мезбон давлатнинг юрисдикциясидан чиқариб

олиш.

Консуллик иммунитети функционал характерга эга, яъни консуллик функцияларини амалга ошириш билан боғлиқ. Консуллик иммунитети консуллик ходимининг қабул қилаётган давлат ҳудудига кириб келиши билан бошланиб унинг консуллик хизмати муддати тугаб мамлакатни тарк этгач ўз кучини йўқотади.

**Иностранный гражданин** - лицо, не являющееся гражданином данного государства и имеющее доказательство своей принадлежности к гражданству иностранного государства. Правовое положение иностранного гражданина определяется национальным законодательством государства местонахождения, действующими для него международными договорами, а также общими принципами международного права.

**Чет эл фуқароси** - яшаб турган давлатнинг фуқароси бўлмай, чет давлат фуқароси эканлигини тасдиқловчи далили бор шахс. Хорижий фуқаронинг ҳуқуқий холатини яшаб турган давлатнинг миллий қонунияти, халқаро шартномалар ҳамда халқаро ҳуқуқнинг умумий принциплари томонидан белгиланади.

**Инсуррекция** - отказ дипломата выполнять свои функции. Является одним из оснований прекращения полномочий дипломатического представителя.

**Инсуррекция** - дипломатнинг ўз вазифаларини бажаришдан бош тортиши. Дипломатик вакилнинг ваколатини тўхтатиш, бекор қилиш асосларидан бири.

# К.

**Классы консульские** - это звания консулов, связанные с

занимаемым ими служебным положением. В настоящее время существуют пять консульских классов: генеральные консулы, консулы, вице-консулы, консульские агенты и проконсулы (помощники консула по узкому кругу вопросов, например, по нотариальным делам).

Присвоение консульского класса зависит от страны, назначающей консула. При этом учитываются значение и объем возлагаемых на данного консула задач, а также класс консульства, определенный в двустороннем соглашении, заключенном между странами.

**Консуллик класслари** - консуллар эгаллаб турган хизмат лавозими билан боғлиқ консуллик унвонлари. Хозирги кунда беш консуллик класслари мавжуд: бош консуллар, консуллар, вице-консуллар, консуллик агентлар, проконсуллар (тор доирадаги масалалар, жумладан, нотариал харакатлар бўйича консул ёрдамчилари).

Консуллик классини белгилаш, консулни тайинловчи давлатга боғлиқ. Бунда консулга юклатилган вазифаларнинг ва хажми инобатга олинадиган аҳамияти давлатлар ўртасидаги тузилган икки томонлама шартномада белгиланган консуллик класси хамда

**Коллективная нота** - вид дипломатической переписки. Адресуется какому-либо правительству представителями нескольких стран с целью изложения согласованных соображений. Она составляется только в одном экземпляре, на котором проставляются подписи всех глав соответствующих дипломатических представительств и передается в ходе встречи, на которой должны присутствовать все лица, подписавшие ноту.

**Коллектив нота** - дипломатик ёзишманинг бир тури. Ўзаро келишилган фикрларни баён қилиш мақсадида бир неча давлатлар томонидан мезбон давлат ҳукуматига йўлланган нота. У фақат бир нусхада тузилиб, унда барча қатнашган дипломатик ваколатхоналар раҳбарларининг имзолари қўйилади ва имзо қўйганларнинг

барчаси топшириш учрашувида бўлиши шарт.

**Конвенции консульские** - соглашения, заключенные между государствами по вопросам консульских отношений. Они содержат нормы консульского права, определяющие порядок открытия консульских учреждений, назначения и отзыва глав этих учреждений, функции, привилегии и иммунитеты консульских должностных лиц и сотрудников консульств. В принципе, структура и содержание консульских конвенций совпадают.

В настоящее время действуют четыре многосторонние консульские конвенции. Три из них носят региональный характер: Каракасская конвенция о консульских функциях 1911 г., Гаванская конвенция о консульских чиновниках 1928 г. и Европейская конвенция о консульских функциях 1967 г. Универсальный характер имеет Венская конвенция о консульских сношениях 1963 г., которая вступила в силу 19 марта 1967 года.

Узбекистан является участником Венской конвенции о консульских сношениях, которую ратифицировал 6 мая 1994 года.

Большую роль в отношении между государствами играют многосторонние и двусторонние консульские конвенции и договоры. Сейчас их число во всем мире достигает нескольких тысяч. Между Узбекистаном и иностранными государствами действует 21 многосторонних и двусторонних договоров по консульским вопросам.

**Консуллик конвенциялари** - консуллик муносабатлари бўйича давлатлар ўртасида тузилган битимлар. Улар консуллик муассасаларини очиш, муассаса раҳбарларини тайинлаш ва чақириб олиш тартиби, консуллик мансабдор шахслари ва консуллик ваколатхона ходимларининг вазифалари, имтиёзлари ва иммунитетларини белгилаб берувчи консуллик ҳуқуқи нормаларидан иборатдир. Умуман, консуллик конвенциялари тузилиши ва мазмунига кўра

бир – бирига ўхшаш..

Ҳозирги кунда тўртта кўптомонлама консуллик конвенциялари мавжуд. Улардан учтаси минтақавий характерга эга: 1911 йилдаги Консуллик функциялари тўғрисидаги Каракас конвенцияси, 1928 йилдаги Консуллик мансабдор шахслари тўғрисида Гавана конвенцияси ва 1967 йилдаги консуллик функциялари тўғрисидаги Евпропа конвенцияси. 1963 йилда қабул қилинган ва 1967 йил 19 мартда кучга кирган Консуллик муносабатлари тўғрисидаги Вена конвенцияси универсал характерга эга.

Ўзбекистон Вена конвенциясини 1994 йил 6 майда ратификация қилган ва унинг қатнашчиси ҳисобланади.

Давлатлар ўртасидаги муносабатларда кўптомонлама ва иккитомонлама консуллик конвенция ва шартномалар катта роль ўйнайди. Ҳозирги пайтда уларнинг сони дуне миқёсида бир неча мингга етади. Ўзбекистон ва чет эл давлатлари ўртасида консуллик муносабатлари бўйича 21та кўптомонлама ва иккитомонлама шартномалар амалда.

**Консул**
[от лат. consul]

- должностное лицо государства, направленное в какой-либо район (округ) другого государства, с определенно выраженного согласия последнего, для защиты там интересов своей страны, ее юридических лиц и граждан, содействия развитию политических, экономических, научных, культурных и прочих связей между представляемым и принимающим государствами, наблюдения и информации об экономическом положении и социально-политических процессах в районе своего пребывания.

Как правило, консул принимает меры к максимально полному осуществлению гражданами его страны всех прав, предоставленных им законодательством принимающей страны, ведет учет граждан

своей страны, находящихся в пределах своего консульского округа, оказывает им необходимую юридическую помощь, выдаёт, продлевает или вносит изменения в установленные законом документы граждан (паспорта, свидетельства и иные документы), выдаёт, погашает и продлевает визы на въезд в свою страну, производит нотариальные действия, а также консульскую легализацию документов, выданных в представляемом им государстве.

Консул и его сотрудники входят в число консульского корпуса в стране пребывания. Согласно международной практике на них распространяются консульские привилегии и иммунитеты.

В дипломатических представительствах (посольствах) обычно консульские обязанности выполняет кто-либо из сотрудников посольства, часто возглавляющий специальный консульский отдел. Он также может именоваться консулом.

**Консул**
[лот. consul]

- ўзаро келишув асосида бир давлатнинг иккинчи давлатнинг муайян бир округига юборилган мансабдор шахси бўлиб, у ўз округи доирасида ўз давлати ва унинг юридик шахслари, фуқаролари манфаатларини ҳимоя қилиш, икки давлат ўртасида сиёсий, иқтисодий, илмий, маданий ва бошқа соҳаларда алоқаларни ривожлантиришга кўмаклашиш, ушбу округда мавжуд иқтисодий холат ва юз бераятган ижтимоий – сиёсий жараёнларни кузатиш ва ўз давлатини ҳабардор қилиш каби вазифаларни бажаради.

Умумий қоида бўйича консул ўз давлати фуқароларидан мезбон давлат муҳайё этган барча ҳуқуқларни максимал толиқ амалга оширишлари учун чоралар кўради, округда яшаб турган ўз давлати фуқароларини рўйхатга олади, уларга зарур бўлган юридик ёрдам кўрсатади, ўрнатилган қонун асосида фуқароларга хужжатлар (паспорт, гувоҳномалар ва бошқа хужжатлар) беради, уларнинг амал

қилиш мухлатини узайтиради ёки ўзгартишлар киритади, хорижий фукароларга ўз давлатига кириш визаларини беради, бекор қилади, муддатини узайтиради, нотариал харакатларни амалга оширади ҳамда ўз давлатида берилган хужжатларни легализациялаштиради.

Консул ва унинг ходимлари мезбон давлатда жойлашган консуллик корпусга аъзо бўлиб киродилар.Халқаро амалиётга кўра улар ҳам консуллик иммунитет ва имтиёзларга эга.

Дипломатик ваколатхоналарда (элчихоналарда) одатда консуллик вазифаларни ваколатхоналарнинг дипломатик ходимларидан бири бажаради, кўпинча у ходим консул номланиб консуллик бўлимнини бошқаради.

**Консульский отдел посольства** - учреждаемый при посольстве отдел, ведающий отправлением консульских функций в столице государства пребывания или в каких-либо иных частях этого государства при отсутствии отдельного консульского учреждения в этих районах.

Для работы в консульском отделе посольства выделяются дипломатические и административно – технические работники посольства, которые сохраняют за собой статус, предоставленный им в силу принадлежности к посольству.

**Элчихонанинг консуллик бўлими** - элчихона қошида таъсис этилган бўлим. Мазкур бўлим мезбон давлат пойтахтида ёки алоҳида консуллик муассаси ташкил этилмаган айрим қисмларида консуллик вазифаларни амалга оширади.

Консуллик бўлими ишларини бажариш учун элчихонанинг дипломатик ва маъмурий-техник ходимлари ажратилади. Улар ҳам элчихонанинг ходимлари сифатида ўз статусларини сақлайдилар.

**Консульское должностное лицо** - любое лицо, включая главу консульского учреждения, которому поручено выполнение

| | |
|---|---|
| | консульских функций (генеральный консул, консул, вице-консул, консульский агент и секретарь консульского учреждения), а также лицо, прикомандированное к консульскому учреждению для подготовки к службе в консульских учреждениях (стажер). |
| **Консуллик мансабдор шахси** | - консуллик функцияларини бажариш зиммасига юклатилган ҳар қандай шахс, шу жумладан консуллик муассаси раҳбари (бош консул, консул, вице-консул, консуллик агенти ва консуллик муассасаси котиби), шунингдек, консуллик муассасаларига малака ошириш ва консуллик хизматга тайёрланиш учун юборилган шахс (стажёр). |
| **Консульское право** | - совокупность международно-правовых принципов и норм, регулирующих правовое положение и деятельность консульских учреждений, а также определяющих порядок назначения (отзыва), функции, права и обязанности, привилегии и иммунитеты консульских должностных лиц. Источниками консульского права являются: международный договор, международный обычай и законодательство государств. |
| **Консуллик ҳуқуқи** | - консуллик муассасаларининг ҳуқуқий ҳолати ва фаолиятини тартибга солувчи ҳамда консуллик мансабдор шахсларини тайинлаш (чақириб олиш), уларнинг функциялари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари, имтиёз ва иммунитетларини белгиловчи халқаро ҳуқуқий принцип ва нормалар йиғиндисидир. Қуийдагилар консуллик ҳуқуқ манбаълари ҳисобланади: халқаро шартнома, халқаро одат ва давлатнинг қонунлари. |
| **Консульское управление Министерства иностранных дел Республики** | - является структурным подразделением МИД Республики Узбекистан, которое формируется на основе штатного расписания, утвержденного в установленном порядке и состоящее из отделов. Сотрудники управления |

| | |
|---|---|
| **Узбекистан** | назначаются и освобождаются от должности приказом министра иностранных дел Республики Узбекистан.<br>Управление в своей деятельности руководствуется Конституцией и другими законами Республики Узбекистан, указами, распоряжениями Президента Республики Узбекистан, постановлениями и распоряжениями Кабинета Министров Республики Узбекистан, постановлениями и приказами, инструкциями и указаниями министра иностранных дел Республики Узбекистан. |
| **Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Консуллик бошқармаси** | - Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар Вазирлигининг таркибий бўлинмаси ҳисобланади. У ўрнатилган тартибда тасдиқланган штат жадвали асосида шакллантирилади ва бўлимлардан иборат бўлади. Бошқарма ходимлари Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазири буйруғи билан тайинланади ва лавозимдан озод этилади.<br>Бошқарма ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва бошқа қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазири қарор ва буйруқлари, инструкция ва кўрсатмаларига асосланади. |
| **Консульское учреждение Республики Узбекистан** | - постоянный государственный орган внешних сношений, учреждаемый в иностранном государстве на основе договора между двумя государствами для выполнения консульских функций в каком – либо консульском округе.<br>Согласно Консульского Устава Республики Узбекистан *(раздел I, ст. 1),* «Консульские учреждения – консульский отдел дипломатического представительства Республики Узбекистан, генеральное консульство, консульство, вице-консульство и |

консульское агентство Республики Узбекистан, учреждаемое в иностранном государстве».

Консульские учреждения Республики Узбекистан в своей деятельности руководствуются двусторонними и многосторонними договорами, участниками которых является Республика Узбекистан и государство пребывания, международными обычаями, Консульским уставом, законодательством Республики Узбекистан *(ст.4)*.

Консульские учреждения Республики Узбекистан подчиняются Министерству иностранных дел Республики Узбекистан и действуют под общим руководством главы дипломатического представительства Республики Узбекистан в стране пребывания *(ст.5)*.

Местонахождение консульского учреждения, его класс и консульский округ определяются по согласованию с государством пребывания.

Консульское учреждение имеет печать с изображением Государственного герба Республики Узбекистан и названием консульского учреждения, а также имеет право устанавливать на здании, занимаемом им, вывеску с изображением Государственного герба Республики Узбекистан и названием консульского учреждения на государственном языке Республики Узбекистан и языке государства пребывания *(ст.10)*.

**Ўзбекистон Республикасининг консуллик муассасаси**

- икки давлат ўртасидаги шартнома асосида маълум бир консуллик округида консуллик вазифаларини бажариш учун чет эл давлатида таъсис этиладиган ташқи муносабатлар доимий давлат органи.

Ўзбекистон Республикаси Консуллик уставига мувофиқ *(1 бўлим, 1-модда)* «Консуллик муассасаси – хорижий давлатда таъсис этиладиган Ўзбекистон Республикаси дипломатик ваколатхонасининг консуллик

бўлими, бош консулхона, консулхона, вице-консулхона ва консуллик агентлиги».

Ўзбекистон Республикаси консуллик муассасаси ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси хамда консллик жойлашган давлат иштирокчи бўлган икки томонлама ва кўп томонлама шартномалар, халқаро таомилларга, Консуллик уставига, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига таянади *(4-модда).*

Ўзбекистон Республикаси консуллик муассасалари Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигига бўйсунади ва қабул қилаётган давлатдаги Ўзбекистон Республикаси дипломатик ваколатхонаси раҳбарининг умумий бошқаруви асосида фаолият кўрсатади *(5-модда).*

Консуллик муассасанинг қаерда жойлашиши, класси ва консуллик округи мезбон давлат билан келишув асосида белгиланади.

Консуллик муассаса Ўзбекистон Республикаси давлат нишони (герби) ва консуллик суассасанинг номи акс эттирилган муҳрга ҳамда консулхона жойлашган бинонинг олд томонига Ўзбекистон Республикаси Давлат нишони туширилган ва Ўзбекистон Республикаси Давлат тили ва мезбон давлатнинг расмий тилида консуллик муассасанинг номи ёзилган пешлавҳа ўрнатиш ва Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғини кўтариш ҳуқуқига эга. (10 – 11 моддалар).

**Корпус дипломатический** - это совокупность глав иностранных дипломатических представительств, аккредитованных в данной стране. Сюда включаются послы, посланники, постоянные и временные поверенные в делах, а также нунции и интернунции, являющиеся главами дипломатических представительств Ватикана. В широком смысле под понятием “дипломатический корпус” подразумеваются также все дипломатические работники

дипломатических представительств, а также члены их семей. Дипломатический корпус не является институтом, основанным на какой-либо норме международного права, он не является также политическим объединением, обладающим правами юридического лица. В то же время дипломатический корпус составляет единое целое, и правительство страны пребывания не должно делить его на отдельные группы соответственно классу дипломатических представителей.

Согласно протокольной практике в Республике Узбекистан, в случае приглашения дипломатического корпуса на официальное публичное мероприятие, церемонию, ему предоставляется почетное место вблизи от главы государства или правительства, присутствующих на этом мероприятии.

**Дипломатик корпус** - мазкур давлатда аккредитация қилинган хорижий дипломатик ваколатхоналар раҳбарларининг мажмуи. Буларга элчилар, вакиллар, доимий ва муваққат ишлар вакили, шунингдек, Ватикан дипломатик ваколатхонасининг раҳбари – нунцийлар ва интернунцийлар (хорижий мамлакатга Рим папаси томонидан юборилган элчи ва вакиллар) киради. Кенг маънода «дипломатик корпус» тушунчаси тагзаминида дипломатик ваколатхоналарнинг барча дипломатик ходимлари ва уларнинг оила аъзолари тушунилади.

Дипломатик корпус халқаро ҳуқуқ меъёрлари асосида ташкил топган институт эмас, шунингдек, юридик шахс ҳуқуқига эга сиёсий уюшма ҳам ҳисобланмайди. Шу билан бирга дипломатик корпус яхлит бир бутунликни ташкил қилиб, яшаб турган давлат ҳукумати уни дипломатик ваколатхоналар синфига мувофиқ алоҳида гуруҳларга ажратмаслиги лозим.

Ўзбекистон Республикасида агар

дипломатик корпус расмий оммавий тадбирга, маросимга таклиф қилинса, у давлат ёки ҳукумат раҳбари ёнидан фахрли ўринларга таклиф қилинади.

**Кумулирование миссии**

- а) когда одно лицо представляет свою страну в нескольких государствах;

б) когда одно лицо представляет несколько стран – свою и некоторые другие – в третьем государстве.

Это международное представительство одного государства другим через свой аппарат.

**Миссияни кумулирлаштириш**

- бу

а) бир шахснинг ўз давлати вакиллигини бир неча давлатларда ўтиши;
б) бир шахснинг бирнеча давлатлар – ўз давлати ва айрим бошқа давлатларнинг учинчи давлатда вакиллик вазифаларини ўташи;
в) бир давлатнинг ўз аппарати орқали иккинчи давлатда халқаро вакиллик вазифаларини адо этиши

**Курьер дипломатический**

- официальное лицо, которому поручается доставка дипломатической почты. Он должен быть снабжен официальным документом с указанием его статуса и числа мест, составляющих дипломатическую почту.

Курьер дипломатический, в соответствии с общепризнанными нормами международного права, пользуется при исполнении своих обязанностей защитой государства пребывания. Он обладает неприкосновенностью и не подлежит аресту или задержанию в какой бы то ни было форме. Это условие закреплено и в Положении «О дипломатических представительствах и консульских учреждениях иностранных государств в Республике Узбекистан», утвержденном постановлением № 207 Кабинета Министров Республики

Узбекистан 8 мая 2001 г.

**Дипломатик курьер** - дипломатик почтани манзилига етқазиш топширилган расмий шахс. Курьер мақоми, дипломатик почтанинг неча ўриндан иборат эканини кўрсатувчи расмий ҳужжат билан таъминланган бўлиши лозим.

Дипломатик курьер халқаро ҳуқуқ томонидан тан олинган меъёрларга мувофиқ, ўз вазифаларини бажаришда мезбон давлат ҳимоясидан фойдаланиш ҳуқуқига эга. Унинг шахси дахлсиз бўлиб, қандай шаклда бўлишидан қатъий назар қамоққа олиниши ёки ушланиши мумкин эмас. Бу шарт Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 8 май 207-сонли «Ўзбекистон Республикасидаги хорижий давлатлар дипломатик ваколатхоналари ва консул муассасалари тўғрисида»ги Қонунида ҳам мустаҳкамланган.

**Курьерский лист** - официальный документ, дающий право на провоз дипломатической почты, в котором указывается статус дипломатического курьера и число мест, составляющих дипломатическую почту. Курьерский лист выдается ведомством внешних сношений или дипломатическим представительством государства, которому принадлежит дипломатическая почта, и обычно должен быть завизирован в ведомстве иностранных дел или дипломатическом представительстве страны, в которую направляется почта.

Визирование необязательно только в том случае, если между государствами имеется договоренность на этот счет, или когда оно не требуется правилами иностранного государства.

**Курьер варағи** - дипломатик курьернинг мақоми ва дипломатик почтани ташкил қилувчи жойларнинг сони кўрсатилган дипломатик почтани олиб бориш ҳуқуқини берувчи расмий ҳужжат. Курьер варағи ташқи алоқалар идораси

ёки дипломатик почта тегишли бўлган давлатнинг дипломатик ваколатхонаси томонидан берилиб, ташқи ишлар идораси ёки почта жўнатилган давлатнинг дипломатик ваколатхонаси томонидан визалаштирилиши лозим.

Давлатлар ўртасида келишилган ёки чет давлат қоидалари талаб қилмаган ҳолларда визалаштиришнинг ҳожати йўқ.

# Л.

**Легализация консульская** – установление и засвидетельствование консулом личной подписью и печатью консульского учреждения подлинности подписей на документах, удостоверенных властями консульского округа или исходящих от них, а также соответствие документов законам государства пребывания. Практикуется также консульская легализация документов, составленных в государстве, представляемом консулом, и предназначенных для предъявления в государстве пребывания. Консульская легализация подтверждает правомочность документов в международном общении.

В Узбекистане порядок консульской легализации устанавливается Министерством иностранных дел Республики Узбекистан.

Консульской легализации не подлежат документы, которые противоречат законодательству Республики Узбекистан, могут своим содержанием нанести вред интересам Узбекистана или содержат сведения, порочащие честь и достоинство его граждан. В главе XI Консульского устава Республики Узбекистан регулируются вопросы консульской легализации *(статьи 69,70)*.

**Консул легализацияси** - консул томонидан консуллик округи органлари тасдиқлаган ёки улардан чиқаётган ҳужжатларга қўйилган имзоларнинг ҳақиқийлиги ҳамда ҳужжатларнинг қабул

қилаётган давлатнинг қонунларига мувофиқлигини ўзининг шахсий имзоси ва консуллик муассасасининг муҳри билан ўрнатилиши ва гувоҳлик келтирилиши. Шунингдек, амалиётда юбораётган давлатда тузилган ва қабул қилаётган давлатда тақдим этилишга мўлжалланган ҳужжатларнинг консул легализацияси ҳам мавжуд. Консул легализацияси ҳужжатларнинг халқаро муносабатларда ҳуқуқий кучга эгалигини тасдиқлайди.

Консул легализацияси тартиби Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги томонидан ўрнатилади.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига зид келадиган, мазмунига кўра Ўзбекистон манфаатларига зарар етказадиган ёки Ўзбекистон фуқароларининг шаъни ва қадр-қимматини камситадиган маълумотлардан иборат ҳужжатлар легализация қилинмайди. Ўзбекистон Республикаси Консуллик уставининг XI бобида Консул легализацияси масалаларини тартиби белгиланган (*69, 70-моддалар)*.

**Легат (апостолический легат)** - представитель римско-католической церкви в древности. Правовой статус легата определяется нормами дипломатического права, конкордатами (договор между правительством какого-либо государства и Ватиканом) и законодательством страны пребывания. Различают легатов с временной, чрезвычайной и постоянной миссией. Имеются три вида легатов:

1. кардиналы, направляемые папой римским в католические страны с миссией по церковным делам.
2. дипломатические представители папы (нунции)
3. прелаты католической церкви, получившие это достоинство в силу занимаемого ими положения.

**Легат** - қадимий давлатларда рим-католик черкови вакили. Легатнинг ҳуқуқий мақоми дипломатик ҳуқуқ меъёрлари, конкордаталари (бирор давлат ҳукумати ва Ватикан ўртасида тузилган шартнома) ва яшаб турган давлатнинг қонунчилиги билан белгиланади. Легатлар муваққат, фавқулодда ва доимий ваколатга эга бўлишлари мумкин.

Легатларнинг қуйидаги уч тури бўлади:

1. Рим папаси томонидан католик давлатларга черков ишлари бўйича жўнатиладиган кардиналлар.
2. Папанинг дипломатик вакиллари (нунцийлар)
3. Прелатлар - бу унвонни мартабасиги кўра олган католик черковнинг олий мартабали руҳонийлари.

**Личная нота или нота в первом лице** - вид дипломатической переписки. Посылается по вопросам важного и принципиального значения или в порядке официальной информации о каком-либо важном событии, например, с информацией об изменении названия государства, о формировании нового правительства своей страны, по вопросу двусторонних отношений, по какой-либо международной проблеме и т.д.

Личные ноты посылаются также по событиям протокольного характера: поздравления по случаю национального праздника, личных праздничных событий у главы государства, главы правительства, министра иностранных дел и других лиц, с которыми посол или дипломатический работник знаком; соболезнования по случаю траурных событий и т.д.

Личная нота составляется в первом лице, печатается на нотном бланке, в правом верхнем углу печатается название города отправки (столицы) и дата отправления ноты.

**Шахсий нота ёки биринчи шахсдаги** - дипломатик ёзишма тури. Муҳим ва принципиал аҳамиятга эга масалалар ёки

**нота** қандайдир муҳим воқеа, масалан, давлатнинг номини ўзгариши, мамлакатнинг янги ҳукуматини шаклланиши, халқаро муаммолар, иккитомонлама муносабатлар тўғрисида расмий хабар бериш тарзида юборилади.

Шахсий ноталар протокол характердаги воқеалар: миллий байрам ҳамда элчи ёки дипломатик ходим яқиндан таниш бўлган давлат раҳбари, ҳукумат раҳбари, Ташқи ишлар вазири ва бошқа шахслар хастида юз берган тантанали воқеалар муносабати билан табриклаб ёки мотам сабабли таъзия билдириб юборилади. Шахсий нота биринчи шахс номидан тузилиб, нота бланкида ёзилади, ўнгда юқори бурчакда юбориладиган шаҳарнинг (пойтахтнинг) номи ва нотанинг жўнатилиш санаси ёзилади.

# М.

**Международная защита дипломатов** - совокупность предусмотренных международно-правовыми нормами, главным образом договорами, мер, с целью предотвращения и наказания преступлений против дипломатов и некоторых других категорий лиц, пользующихся международной защитой. Основным международно-правовым документом, регламентирующим международно-правовую защиту дипломатов, является Конвенция о предотвращении и наказании преступлений против лиц, пользующихся международной защитой, в том числе дипломатических агентов, принятая Генеральной Ассамблеей ООН 14 декабря 1973 г.

Конвенция относит к лицам, пользующимся международной защитой, глав государств и правительств, министров иностранных дел, находящихся в иностранном государстве и сопровождающих их членов семей, а также любых представителей или должностных лиц государства, должностных лиц или агентов межправительственных

международных организаций, которые имеют право на специальную защиту от любого посягательства на их личность, свободу и достоинство. К таким лицам приравниваются и проживающие с ними совместно члены их семей.

Конвенция обязывает государства-участники рассматривать в соответствии со своим внутренним законодательством в качестве преступления такие действия, как убийство, похищение лиц другие посягательства на личность, угрозы, насильственное нападение на официальные, жилые помещения или транспортные средства, соучастие в такого рода нападениях, и устанавливать с учетом их тяжкого характера наказания. Ряд положений Конвенции посвящен выдаче лиц, совершивших указанные преступления.

**Дипломатларнинг халқаро ҳимояси** - дипломатлар ва бошқа тоифадаги шахсларга қарши бўладиган жиноятнинг олдини олиш ва жазолаш мақсадида халқаро-ҳуқуқий меъёрлар, асосан, шартномаларда кўзда тутилган чора-тадбирлар мажмуи. Дипломатларнинг халқаро-ҳуқуқий ҳимоясини белгиловчи асосий ҳужжат бўлиб, халқаро ҳимоядан фойдаланувчи шахсларга, шу жумладан, дипломатик агентларга қарши уюштириладиган жиноятнинг олдини олиш ва жазолаш тўғрисидаги БМТ Бош Ассамблеясининг 1973 йилнинг 14 декабрда қабул қилинган Конвенцияси ҳисобланади.

Конвенция бўйича халқаро ҳимоядан фойдаланувчи шахслар таркибига шахсига, эркинлигига ва қадр-қимматига чет давлатларда бўлиш вақтида қилинган ҳар бир тажовуздан ҳимоя қилиниш ҳуқуқига эга давлат ва ҳукумат раҳбарлари, Ташқи ишлар вазирлари ва уларнинг оила аъзолари, шунингдек, давлатнинг бошқа вакиллари ёки мансабдор шахслари, ҳукуматлараро халқаро ташкилотлар мансабдор шахслари ёки агентлари киради. Бундай шахсларга улар билан бирга истиқомат

қиладиган оила аъзолари ҳам тенглаштирилади.

Конвенция иштирокчи-давлатларга ўз ички қонунчилигига мувофиқ қотиллик, одам ўғирлаш, шахсга бўлган бошқа тажовузлар, хавф-хатарлар, расмий яшаш уйларига, транспорт воситаларига зўравонлик билан ҳужум қилиш, шунга ўхшаш ҳужумларда қатнашишни жиноят сифатида кўриб чиқиб, жиноятнинг оғирлигига қараб жазо белгилаш мажбуриятини юклайди. Конвенциянинг бир қатор қонунлари юқорида ..........жиноятларни содир этган шахсларни тутиб беришга бағишланган.

**Меморандум** - дипломатический документ соответствующего государства, в котором подробно излагается фактическая сторона международного вопроса, дается анализ тех или иных положений, приводится обоснование позиции государства. Меморандум может быть двух видов, как приложение к личной или вербальной ноте в целях сохранения её текста или более подробного изложения затрагиваемого в ней вопроса, либо как самостоятельный документ, который передается лично или пересылается курьером.

**Меморандум** - маълум бир давлатнинг дипломатик ҳужжати бўлиб, унда халқаро масаланинг асл моҳияти батафсил баён қилинади, у ёки бу ҳолатлар таҳлил қилинади, давлатнинг тутган йўли асослаб берилади. Меморандум икки хил бўлади: матнни қисқартмаслик ёки ундаги масалага тўлиқ изоҳ бериш мақсадида шахсий ёки вербал нотага илова қилинган ҳолда, ёки курьер орқали топшириладиган мустақил ҳужжат сифатида.

**Миссия дипломатическая** - постоянное дипломатическое представительство, которое возглавляется посланником или постоянным поверенным в делах.

В прошлом веке традиционным было

учреждать дипломатические миссии в малых странах, так как право обмениваться посольствами признавалось только за монархиями.

Современное дипломатическое право, кодифицированное в Венской конвенции о дипломатических сношениях 1961 г. не проводит различия между миссией дипломатической и посольством в отношении прав, иммунитетов и привилегий. В настоящее время учреждение дипломатических миссий практикуется все реже.

**Дипломатик миссия** - вакил ёки ишончли вакил томонидан бошқариладиган доимий дипломатик ваколатхона.

В настоящее время основным источником посольского права является многосторонний международный договор. Первыми попытками официальной кодификации посольского права являются решения Венского (1815) и Аахенского (1815) конгрессов, установление

классов дипломатических представителей. Некоторые вопросы посольского права урегулированы в отдельных региональных соглашениях – Гаванской конвенции о дипломатических чиновниках 1928 г. Наиболее полно нормы посольского права закреплены в Венской конвенции о дипломатических сношениях 1961.

Важное значение в развитии посольского права играет внутреннее законодательство государств. В Республике Узбекистан действует Положение “О дипломатических представительствах и консульских учреждениях иностранных государств в Республике Узбекистан” утвержденное постановлением №207 Кабинета Министров Республики Узбекистан 8 мая2001 г.

**Элчихона ҳуқуқи** - чет давлатлардаги доимий дипломатик ваколатхоналар ва уларнинг ходимларининг фаолияти ва ҳақ – ҳуқуқларини мувофиқлаштирувчи халқаро ҳуқуқ принциплари ва меъёрлари бирлиги. Элчи ҳуқуқи дипломатик ҳуқуқнинг бир қисмини ташкил қилади.

Дипломатик алоқалар учун зарур муайян юридик қонунлар йиғиндиси сифатида, элчихона ҳуқуқи давлатлар ўзларни халқаро муносабатлар қатнашчиси эканлигини ва улар ўртасидаги алоқалар зарурлигини англаганларидан сўнг пайдо бўлган бўлиши мумкин. Унгача элчихоналар мавжуд бўлган бўлсалар ҳам улар тўғрисида ҳуқуқий институт сифатида гапириш мумкин эмас.

Ҳозирги кунда элчихона ҳуқуқининг асосий манбаси бўлиб кўп томонлама халқаро шартнома ҳисобланади. Элчи ҳуқуқининг расмий кодификациясига биринчи уринишлар бўлиб Вена (1815) ва Аахен (1815) конгресслари қарорлари, дипломатик ваколатхона раҳбарларининг синфларини ўрнатилиши ҳисобланади. Элчихона ҳуқуқининг айрим масалалари баъзи бир минтақавий битимларда, масалан 1928 йилдаги дипломатик амалдорлар тўғрисидаги Гавана Конвенциясида тартибга

солинган. Элчихона ҳуқуқ 1961 йилги «Дипломатик муносабатлар ҳақида»ги Вена конвенциясида тўла равишда мустаҳкамланган.

Элчи ҳуқуқининг ривожланишида муҳим ролни давлатнинг ички қонунлари ўйнайди. Ўзбекистон Республикасида 2001 йил 8 майда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасидаги дипломатик ваколатхоналар ва консул муассасалари тўғрисида"ги Қонун амалда қўлланмоқда.

**Посольство чрезвычайное** - направляется в другую страну по приглашению правительства этой страны для участия в торжествах и празднествах по случаю провозглашения независимости страны, при вступлении в должность вновь назначенного президента (в странах с монархическим строем – при коронации главы государства), для участия в других юбилейных торжествах, являющихся национальным праздником этой страны, и т.д. Чрезвычайное посольство направляется также для участия в похоронах главы государства и других высокопоставленных лиц.

В современной международной практике чрезвычайное посольство чаще называется специальной правительственной делегацией.

Иногда функции чрезвычайного посольства поручаются посольству, постоянно находящемуся в этой стране.

В ряде случаев чрезвычайному посольству (специальной правительственной делегации) выписываются верительные грамоты, которые вручаются главе государства согласно местному протоколу.

**Фавқулодда элчилик** - бошқа давлатга унинг таклифига биноан мамлакатнинг мустақиллигини эълон қилиниши, янги тайинланган президентни ўз лавозимини эгаллаши (монархия тузумидаги давлатларда давлат рахбарига тож кийдирилиши), мамлакатнинг миллий байрамига айланган юбилей тантаналарида қатнашиш учун юборилади. Фавқулодда элчилик вафот этган давлат раҳбари ва бошқа юқори мансабдор шахсларнинг дафн этиш маросимларида қатнашиш учун ҳам юборилади.

Ҳозирги кун халқаро амалиётида фавқулодда элчиликни кўпроқ махсус ҳукумат делегацияси деб аталади.

Баъзан фавқулодда элчилик вазифалари ушбу мамлакатда доимий асосда фаолият кўрсатаяпган элчихона зиммасига юкланади.

Бир қатор холатларда фавқулодда элчилик (махсус ҳукумат делегацияси), агар ерлик тартиб талаб қилса, мезбон давлат раҳбарига топшириш учун ишонч ёрлиғи билан таъминланади.

**Почетный консул** - любое лицо, не являющееся штатным консульским должностным лицом, которому поручено выполнение отдельных консульских функций по поручению представляемого государства и с согласия государства пребывания. Почетный консул помимо отправления консульских функций может заниматься предпринимательской деятельностью. Обычно почетный консул не получает вознаграждения от представляемого государства за отправление консульских функций.

Особых требований к гражданству почетного консула нет, он может быть гражданином как представляемого, так и иностранного государства.

Венская конвенция о консульских сношениях 1963 года предоставляет почетным консулам почти тот же объем привилегий и иммунитетов, что и штатным консулам. Однако, на практике, государство пребывания ограничивает привилегии и иммунитеты почетных консулов, связывая их только с

актами исполнения консульских функций. Со своей стороны представляемое государство по своему усмотрению определяет и ограничивает функции почетного консула, особенно в политических вопросах.

**Фахрий консул**

- штатдаги консуллик мансабдор шахси бўлмаган, қабул қилаётган давлатнинг розилиги билан тайинланган давлат номидан ўша давлат ҳудудида алоҳида консуллик функцияларини бажариш зиммасига юклатилган ҳар қандай шахс. Фахрий консул консуллик функцияларини бажаришдан ташқари тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши мумкин. Одатда фахрий консул консуллик функцияларини бажаргани учун юбораётган давлатдан моддий рағбатлантириш олмайди.

Фахрий консулнинг фуқаролиги учун ўзига хос талаблар қўйилмайди, у юбораётган давлатнинг ҳам ва чет эл давлатининг хам фуқароси бўлиши мумкин.

1963 йилдаги Консуллик муносабатлари ҳақидаги Вена конвенциясида фахрий консулларга ҳам деярли штатдаги консуллар учун белгиланган имтиёз ва иммунитетларни берилган. Бироқ амалда қабул қилаётган давлат фахрий консулнинг имтиёз ва иммунитетларини фақатгина консуллик функцияларини бажариш актлари билан боғлаган ҳолда уларни чегаралаб қўяди. Ўз томонидан юбораётган давлат ўзининг ихтиёри бўйича фахрий консулнинг функцияларини белгилайди ва чеклаб қўяди, айниқса сиёсий масалаларда.

**Почта дипломатическая**

- опечатанная сумка или контейнер, четко маркированный как диппочта, содержащий только служебные документы или предметы для служебного пользования.

Дипломатическая почта обычно разделяется по возможности содержимого на два вида: сопровождаемая, несопровождаемая. Диппочта неприкосновенна: она не может быть

вскрыта или арестована; для её быстрой пересылки должна быть использована любая возможность.

Диппочта может перевозиться дипломатическим курьером, который имеет право на защиту государства, где он выполняет свои функции или которое он посещает. Там где нет постоянного дипкурьера, государство или дипломатическое представительство могут назначить отдельного человека, чаще всего служащего – соответствующего подданства, совершающего поездку по другим причинам, - как дипкурьера для специальной поездки. В таком случае он обеспечивается необходимыми документами министерством иностранных дел или главой представительства, кроме того, он пользуется таким же иммунитетом и личной неприкосновенностью, как и постоянный дипкурьер, до тех пор, пока у него находится врученная диппочта.

В обычных условиях дипломатическая почта может быть вверена командиру экипажа самолета, если только он прибывает или покидает страну через служебный проход. Командир экипажа должен быть снабжен документами, подтверждающими число мест багажа, составляющего диппочту, но он сам дипкурьером не считается.

Диппочта, во время прохождения транзитом через третьи страны неприкосновенна.

**Дипломатик почта** - дипломатик почта сифатида аниқ маркаланган, фақат хизмат ҳужжатлари ёки хизматда фойдаланиш учун зарур буюмлар солинган мухрланган сумка ёки контейнер.

Дипломатик почта одатда нимадан иборатлигига қараб икки турга бўлинади: кузатиб бориладиган ва кузатиб борилмайдиган. Дипломатик почта дахлсиздир: унинг очилиши ёки уни тўхтатиб қўйиш мумкин эмас; уни тезда манзилига етказиш учун ҳар қандай имкониятдан фойдаланиш лозим.

Дипломатик почта дипломатик курьер томонидан олиб ўтилиши мумкин. Бунда у ўз

вазифаларини бажараётган ёки ташриф буюраётган давлат томонидан ҳимоя қилиниш ҳуқуқига эга бўлади. Доимий дипломатик курьер йўқ жойда, давлат ёки миссия алоҳида кишини, кўпинча хизматчи – бошқа сабабларга кўра саёҳат қилувчи муносиб фуқарони дипломатик курьер сифатида тайинлаши мумкин. Бундай ҳолларда у вазирлик ёки ваколатхона раҳбари томонидан керакли ҳужжатлар билан таъминланади, ундан ташқари топширилган дипломатик почта унда бўлган муддат давомида доимий дипломатик курьер каби иммунитет ва шахсий дахлсизликдан фойдаланиши мумкин.

Баъзи ҳолларда эса мамлакатга хизмат йўлагидан кириб келиб ўша йўлакдан чиқиб кетадиган самолёт экипажининг командирига топширилиши мумкин. Экипаж командири дипломатик почтани ташкил қилувчи юк жойларининг сонини тасдиқловчи ҳужжат билан таъминланмоғи лозим, лекин ўзи дипломатик курьер ҳисобланмайди. Учинчи давлатлар орқали транзит олиб ўтилганда дипломатик почта дахлсиздир.

**Правовой режим** - совокупность прав и обязанностей иностранных граждан в стране пребывания. Устанавливается внутренним законодательством и нормами международных договоров.

**Ҳуқуқий режим** - бу хорижий фуқароларнинг мезбон давлатда бўлиш ҳуқуқлари ва мажбуриятлари мажмуи. Улар ички қонунчилик ва халқаро норматив шартномалар асосида белгиланади.

**Преамбула** - является важной составной частью конвенции, поскольку в ней формулируется её цель. Кроме того, преамбула используется при толковании конвенции.

**Преамбула** - конвенциянинг мақсадларини еритгани

сабабли, унинг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Ундан ташқари преамбуладан конвенцияга изоҳ беришда фойдаланилади.

**Представительство дипломатическое** - зарубежный государственный орган внешних сношений, учреждаемый на основе взаимного соглашения одним государством на территории другого или при международной организации для поддержания постоянных официальных контактов и выступающий от имени учредившего его государства по всем политическим и иным вопросам. Обмен дипломатическими представителями осуществляется после установления дипломатических отношений.

Дипломатическое представительство функционирует на постоянной основе. Структура дипломатических представительств разных стран различна и определяется собственными традициями и спецификой отношений со страной пребывания.

Узбекистан учредил 39 дипломатических представительств в зарубежных странах. В своей деятельности они руководствуются положениями Венской конвенции о дипломатических сношениях 1961г., пользуются привилегиями и иммунитетами.

После достижения согласия об учреждении дипломатического представительства, правительство издает внутригосударственный акт. На основании постановления правительства Узбекистана учреждается представительство Республики Узбекистан в другой стране.

**Дипломатик ваколатхона** - ўзаро келишув асосида бир давлатнинг бошқа давлат ҳудудида ёки халқаро ташкилот қошида доимий расмий алоқаларни давом эттириш мақсадида таъсис этилган ташқи алоқалар хорижий давлат органи бўлиб, сиёсий ва бошқа масалаларда таъсис этган давлатнинг номидан иш юритади. Дипломатик вакиллар

алмашинуви дипломатик муносабатлар ўрнатилгандан сўнг амалга оширилади.

Дипломатик ваколатхона доимий асосда фаолият кўрсатади. Турли давлатларнинг дипломатик ваколатхоналарининг таркиби турлича бўлади ва у асосан ўз давлати анъаналари ва икки давлат ўртасидаги муносабатларнинг спецификаси Билан белгиланади.

Ўзбекистон 39та хорижий давлатда дипломатик ваколатхона таъсис этди. Ўз фаолиятида улар 1961 йил қабул қилинган «Дипломатик муносабатлар ҳақида»ги Вена конвенциясини қўллайдилар, имтиёзлар ва иммунитетдан фойдаланадилар.

Дипломатик ваколатхонани таъсис этиш тўғрисидаги розиликка эришгандан кейин ҳукумат давлатнинг ички қарорини қабул қилади. Ўзбекистон ҳукумати қарори асосида Ўзбекистон Республикасининг бошқа давлатдаги ваколатхонаси таъсис этилади.

**Представительство консульское** - орган внешних сношений государства, организуемый в результате установления консульских отношений между двумя государствами. Местонахождение и (иногда) численность персонала консульского представительства согласуются между представляемым правительством и правительством государства пребывания. Консульское учреждение должно находиться в своем консульском округе. Различают: генеральное консульство, консульство, вице консульство и консульское агентство.

**Консуллик ваколатхона** - давлатнинг ташқи алоқа органи бўлиб, икки давлат ўртасида консуллик муносабатлар ўрнатилиши асосида ташкил этилади. Консуллик ваколатхонанинг қаерда жойлашиши ва (баъзан) ходимларининг сони таъсиё этаяпган давлат хукумати ва мезбон давлат хукумати ўртасида келишув асосида белгиланади. Консуллик ваколатхона ўз округида жойлашиши лозим. Унинг тўрт тури мавжуд: бош консулхона, консулхона, вице-консулхона, консуллик агентлиги.

**Привилегии консульские** - особые льготы, преимущества, предоставляемые в государстве пребывания консульским учреждениям, консульским должностным лицам и членам их семей на основании правовых норм или норм международной вежливости. К таковым относятся: обязанность принимать меры для защиты от оскорблений; право пользоваться государственным флагом, консульским щитом, эмблемой; право на использование различных средств связи, в том числе курьеров и шифров; право на почетные встречи; освобождение от таможенных досмотров; право свободного доступа к самолетам и судам своей страны и т.п.

Консульские привилегии предоставляются, как правило, на основе взаимности для эффективного отправления консульским учреждением возложенных на него функций.

**Консуллик имтиёзлари** - қабул қилаётган давлатда жойлашган консуллик муассасалари, консуллик мансабдор шахслари ва уларнинг оила аъзоларига ҳуқуқий нормалар ёки халқаро эҳтиром асосида бериладиган алохида имтиёз ва афзалликлардир. Буларга қуйидагилар киради: ҳақоратлардан ҳимоялаш учун чоралар қабул қилиш мажбурияти; давлат байроғи, консуллик қалқони, эмблемадан фойдаланиш ҳуқуқи; турли алоқа воситалари, шу жумладан, курьер ва шифрлардан фойдаланиш ҳуқуқи; фахрий учрашувларга бўлган ҳуқуқ; божхона текширувларидан озод қилиш; ўз мамлакатининг самолётлари ва кемаларига чиқа олиш ва ҳ.к.

Қоидага кўра, консуллик имтиёзлар консуллик муассасига унинг зиммасига юклатилган функцияларни самарали бажариши учун ўзаролик асосида берилади.

**Признание международно-** - политико-правовой акт государства,

**правовое**

которым оно официально подтверждает свою осведомленность о возникновении нового государства, выражает своё позитивное отношение к этому и к намерению нового государства вступать в отношения с другими государствами и иным образом участвовать в международном общении.

Институт признания во многом сформировался в связи с появлением новых государств, в результате обретения независимости бывшими колониями, слияния или разделения государств. Считается, что признание государства требуется и в случае смены в государстве общественно-политической системы.

Как показывает современная практика, признание осуществляется в виде письменного послания от признающего государства, передаваемого по дипломатическим каналам или на церемонии провозглашения независимости.

Суверенный статус Республики Узбекистан признан 165 государствами.

**Халқаро – ҳуқуқий тан олиш**

- муайян бир давлатнинг сиёсий – ҳуқуқий акти бўлиб, у орқали Янги давлатнинг вужудга келганидан ўзининг хабардор эканлигини тасдиқлайди ва Янги давлатнинг бошқа давлатлар Билан алоқа ўрнатиш ёки ўзга шаклда муносабатда бўлишга қаратилган ниятларига ижобий қарашини изҳор этади.

Тан олиш тартиби, кўп жиҳатдан, янги давлатларнинг пайдо бўлиши, собиқ мустамлакаларнинг мустақилликка эришиши, давлатларнинг бир – бири билан қўшилиши ёки парчаланиши сабабли шаклланган.

Давлат ижтимоий – сиёсий тизимининг ўзгариши холатида ҳам уни янгитдан тан олиш талаб қилинади.

Ҳозирги замон амалиёти шуни кўрсатаяптики, тан олиш, асосан, дипломатик

канал орқали ёки мустақилликни эълон қилиши маросимида мактуб топшириш шаклида амалга ……………………

Ўзбекистон Республикасининг суверенлик статусини 165 давлатлар тан олган.

**Признание де - юре (de jure)** – одна из форм официального признания. Это полное, окончательное признание, влекущее за собой весь комплекс правовых последствий: от возможности установления дипломатических и консульских отношений до признания правовой системы и применения законодательства признаваемого государства и исполнения вынесенных его судами решений. Считается, что однажды выраженное юридическое признание отозвано быть не может, хотя известны случаи и иного.

**Де – юре (de jure) тан олиш** - давлатлар ўртасида бир – бирини расмий тан олишнинг шаклларидан бири бўлиб, тўлиқ, ҳар томонлама муносабатлар ўрнатиш имконини туғдиради. Масалан у дипломатик ва консуллик муносабатлар ўрнатишдан тортиб, то бир – бирларининг ички ҳуқуқий тизимларини тан олиш ва қонунчиликлари ҳамда судларининг қарорларини ишлатишгачан бўлган комплес – ҳуқуқий имкониятлардан фойдаланиш имконини беради.

**Признание де - факто (de facto)** – одна из форм официального признания. Это признание ограниченное, неполное, не окончательное, скорее переходное к признанию de jure. Оно, как и признание de jure, также влечет юридические последствия, но в меньшем объёме: например, могут быть установлены лишь консульские отношения.

**Де – факто (de - facto) тан олиш** - бир давлат томонидан иккинчи давлатни расмий тан олиш шаклларидан бири. Бундай шаклда тан олиш чекланган ва нотўла бўлади Кўпроқ у тўлақонли тан олиш яъни де – юре шаклига ўтиш жараёнида бир босқич ролини

ўйнайди. Де – факто тан олиш давлатлар ўртасида фақат консуллик муносабат ўрнатиш, маълум …………савдо қилиш, айрим жамоат ташкилотлари ўртасида чекланган алоқалар олиб бориш имконини беради.

# Р.

**Разрыв дипломатических отношений** - прекращение дипломатических отношений между государствами на основании официального заявления компетентных властей одного из них, сделанного от его имени.

**Дипломатик муносабатларнинг узилиши** - ваколатли ҳокимият органининг ўз давлати номидан қилган расмий баёноти асосида давлатлараро муносабатларни тўхтатилиши.

**Ранги дипломатические** - служебные звания работников дипломатической службы. Дипломатические ранги существуют в большинстве государств мира. Их наименования, градация и порядок присвоения определяются внутренним правом государств. Дипломатические должности нередко имеют те же названия, что и дипломатические ранги. В дипломатических представительствах государств, установивших дипломатические ранги, дипломатические должности могут занимать лица, не имеющие дипломатического ранга (например, военные или специальные атташе).

В Республике Узбекистан дипломатические ранги для дипломатических работников устанавливаются в соответствии с Законом «Об установлении дипломатических классов и рангов для дипломатических работников Республики Узбекистан» от 3 июля 1992 года.

**Дипломатик ранглар** - дипломатик хизмат ходимларининг хизмат унвонлари. Дипломатик ранглар аксарият давлатларда мавжуд. Уларнинг

номлари, даражаларга бўлиниши ва бериш тартиби давлатнинг ички қонунлари асосида белгиланади. Дипломатик лавозимлар кўпинча дипломатик рангларга ўхшаш номларга эга бўладилар. Дипломатик рангларни ўрнатган давлатларнинг дипломатик ваколатхоналарида дипломатик лавозимларни дипломатик ранглари бўлмаган шахслар ҳам эгаллаши мумкин (масалан, ҳарбийлар ёки махсус атташелар).

Ўзекистон Республикасида дипломатик ходимларга дипломатик ранглар 1992 йил 3 июнда қабул қилинган. «Ўзбекистон Республикаси дипломатик ходимларнинг дипломатик класслари ва ранглари» қонунига биноан белгиланади.

**Раут дипломатический** - торжественный званный вечер без танцев.

**Реквизиция** - принудительное отчуждение за плату или временное изъятие государством пребывания имущества, принадлежащего консульским учреждениям, а также консульским должностным лицам и членам их семей.

**Реквизиция** - консуллик муассасалари, консуллик муассасалари лавозимли шахслари ва уларнинг оила аъзоларига тегишли мулкни ҳақ тўлаш асосида ёки маълум муддатга ихтиёрига мажбурий ўтказиш.

**Реторсия** - меры политического воздействия, которые представляют собой ответ на недружественные действия, не представляющие собой нарушения международного права.

**Реторсия** - нодўстона ҳаракатларга жавоб тариқасида

белгиланган, аммо халқаро ҳуқуқни бузмайдиган сиёсий choralар.

# С.

**Сборы консульские** - это сборы, взимаемые консулами с иностранных и своих граждан, учреждений и организаций за выполняемые консулом (консульством), по просьбе заинтересованных лиц, официальные действия. Консульские сборы взимаются по тарифу, устанавливаемому в соответствии с законодательством аккредитующего государства, и поступают в государственный доход этой страны. Исключение составляют сборы, взимаемые нештатными (почетными) консулами. Они являются доходами этих консулов. В Узбекистане тарифы консульских сборов утверждаются Кабинетом Министров Республики Узбекистан.

**Консуллик йиғимлари** - бу консулнинг (консуллик ваколатхонасининг) манфаатдор шахсларнинг мурожаатига кўра амалга ошираётган расмий ишлар учун чет эл фуқаролари, ҳам ўз давлати фуқаролари, муассаса ва такилотлардан ундириладиган йиғимлар. Консуллик йиғимлари аккредитация қилинган давлатнинг қонунчилигига мувофиқ ўрнатилган тарифлар бўйича ундирилади ва ушбу мамлакатнинг давлат даромадига келиб тушади. Штатда бўлмаган (фахрий) консуллар томонидан ундириладиган йиғимлар бундан мустасно. Бу йиғимлар мазкур консулларнинг даромади ҳисобланади. Консуллик йиғимларининг тарифлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

**Специальные атташе** - в дипломатической практике, наряду с дипломатической деятельностью и рангом

атташе, существует практика назначения и специальных атташе:

1. военных, военно-морских и военно-воздушных атташе, атташе по вопросам обороны – официальных представителей военного ведомства, назначившей их страны, при военном ведомстве страны пребывания; при этом они входят в состав посольства и являются советниками главы представительства по военным вопросам;
2. пресс-атташе – сотрудников посольства, которые по роду деятельности отвечают за связи с прессой, органами электронных СМИ;
3. атташе – представителей министерств и ведомств, действующих в составе посольства своего государства за рубежом и отвечающих за поддержание контактов с родственными ведомствами и службами страны пребывания. Как правило, они занимают при этом одну из старших дипломатических должностей в посольстве (советник, первый секретарь и т.п.).

**Махсус атташе**

- дипломатик амалиётда дипломатик вазифаларни адо этувчи атташе дипломатик ранга эга лавозимлар билан бир қаторда қуйидаги махсус атташеларни тайинлаш тажрибаси хам бўлади:

1. ҳарбий, ҳарбий-денгиз, ҳарбий – ҳаво, мудофаа масалари бўйича атташелар. Мазкур атташелар тайинлаган давлат ҳарбий идорасининг мезбон давлат ҳарбий идораси қошидаги расмий номояндалари ҳисобланади. Улар дипломатик ваколатхона таркибига киради ва шу ваколатхона рахбарининг ҳарбий масалалар бўйича маслаҳатчилари ҳисобланади;
2. пресс – атташе – элчихонанинг пресса, электрон оммавий ахборот органлари

билан алоқа олиб борувчи ходими;

3. атташе – муайян бир давлатнинг вазирликлари ва идораларининг чет эллардаги ўз давлати элчихоналарининг таркибида хизмат қилувчи намояндалари. Улар мезбон давлатнинг касбий ўхшаш вазирликлари ва идоралар билан алоқа қилиб туришга жавоб берадилар. Одатда улар элчихонанинг юқори лавозимларини (маслахатчи, биринчи котиб) эгаллайдилар.

**Старшинство** - в дипломатической и консульской практике старшинство определяется классом дипломатических и консульских представителей и датой их вступления в должность (скажем, для послов – датой вручения верительных грамот), а также занимаемой должностью – в соответствии с общепринятыми дипломатическими нормами. Личные дипломатические или служебные ранги и звания при этом не учитываются. Правила старшинства соблюдается при рассадке членов дипломатического и консульского корпуса, при их участии в иных официальных мероприятиях. При этом исключается какая-либо субъективность и тем самым возможность нанесения вольно или невольно обиды официальному представителю государства.

**Катталик** - дипломатик ва консуллик амалиётда катталик дипломатик ва консулик ваколатхоналари раҳбарларининг класси ва ўз вазифаларини адо этишга тушган куни (айтийлик, элчилар учун – ўз ишонч ёрлиқларини топширган куни) ҳамда ҳамма қабул қилган дипломатик нормаларга мувофиқ, эгаллаб турган лавозимига биноан белгиланади. Шу Билан бирга шахсий дипломатик ёки хизмат ранглари ва унвонлари ҳисобга олинмайди .

Дипломатик ва консуллик корпус аъзоларининг турли расмий тадбирларда қатнашуви пайтида жой – жойларига ўтқазишда катталик қоидасига риоя қилинади. Бу ҳаракат Билан субъективлик ва била рёки билмай давлат намояндасини ранжитиш имконига йўл қўйилмайди.

**Статус** - правовое положение физического или юридического лица.

# У.

**Убежище дипломатическое** - предоставление какому-либо лицу возможности укрыться от преследования по политическим мотивам в помещении иностранного дипломатического представительства или консульского представительства.

Согласно международному праву, неприкосновенность помещения дипломатического или консульского представительства, не дают право предоставлять в их помещениях убежища лицам, преследуемым властями государства пребывания за совершенные ими правонарушения. Это положение нашло отражение в Венской конвенции о дипломатических сношениях 1961 г., которая запрещает использовать помещения дипломатического представительства в целях, не совместимых с его официальными деяниями.

**Дипломатик бошпана** - бирон бир шахсга сиёсий сабабларга кўра таъқиб қилинганда хорижий дипломатик ваколатхона ёки консул ваколатхонасида яшириниш имконини бериш. Халқаро ҳуқуққа мувофиқ, дипломатик ёки консуллик ваколатхона биноларининг дахлсизлиги, яшаб турган давлат томонидан содир этган қонунбузарликлари учун таъқиб қилинаётган шахсларга бошпана бериш ҳуқуқини бермайди. Дипломатик ваколатхонанинг расмий

фаолиятига тўғри келмайдиган мақсадларда дипломатик ваколатхона биноларидан фойдаланишни ман қилувчи бу қонун 1961 йил “Дипломатик муносабатлар ҳақида” Вена конвенциясида ўз аксини топган.

**Устав консульский** - имеет силу закона и представляет собой свод правил, регулирующих организацию и работу консульских учреждений, а также определяющих функции и порядок их отправления консульскими должностными лицами.

Консульский устав Республики Узбекистан является основным нормативным актом для деятельности консульских учреждений Республики Узбекистан, утвержденный 29 августа 1996 г.

Консульский устав Республики Узбекистан явился важным шагом в правовой регламентации организации и деятельности консульской службы Узбекистана.

**Консуллик устави** - қонун кучига эга ва консуллик муассасини ташкил этилиши ва фаолиятини мувофиқлаштирувчи ҳамда консуллик мансабдор шахсларнинг вазифалари ва уларни амалга ошириш тартибини белгиловчи қоидалар мажмуи.

Ўзбекистон Республикаси консуллик муассасалари фаолиятининг асосий меъёри хисобланган Консуллик Устави 1996 йил 29 августда тасдиқланган.

Консуллик Устави Ўзбекистон консуллик хизматини ташкил этиш ва фаолиятини хуқуқий регламент доирасига олиб кириш йўлида қўйилган муҳим қадам бўлди.

## Ф.

**Фискальный иммунитет** - означает, что дипломаты освобождаются от всех налогов, сборов и пошлин, которые носят личный, имущественный,

государственный, районный и муниципальный характер.

Исключение составляет уплата косвенных налогов, налогов на наследство.

**Фискал иммунитет** - дипломатларнинг шахсий, мулкка оид, давлат, туман ва муниципал характердаги барча солиқ, тўловлардан озод этилишини англатади. Билвосита солиқлар, мерос солиқлари бундан мустасно.

**Формы дипломатии** - в международной практике различают следующие формы дипломатии:

1. двусторонняя дипломатия, осуществляемая на постоянной основе через дипломатическое представительство одного государства на территории другого государства;
2. дипломатия, осуществляемая путем посылки специальных миссий;
3. многосторонняя дипломатия в рамках международных организаций, осуществляемая через делегации и постоянные представительства государств при международных организациях

**Дипломатия шакллари** - халқаро амалиётда дипломатиянинг қуйидаги шакллари мавжуд:

1. бир давлатнинг иккинчи давлат ҳудудида жойлашган дипломатик ваколатхонаси орқали доимий асосда олиб бориладиган икки томонлама дипломатия;

2. махсус миссияларни юбориш йўли билан амалга ошириладиган дипломатия;

3. халқаро ташкилотлар қошидаги доимий ваколатхоналар ва юбориладиган делегациялар орқали халқаро ташкилотлар доирасида олиб бориладиган дипломатия.

# Ч.

**Частное письмо** - вид дипломатической переписки.

Посылается знакомым официальным лицам, когда посылка личной или вербальной ноты не предусматривается. Частное письмо содержит просьбу об оказании содействия по вопросам, являющимся предметом официальной переписки или переговоров, а также посылается по протокольным вопросам, например, личные и семейные события того или иного лица (день рождения, продвижение по службе, рождение ребенка и траурные события).

**Хусусий хат** - дипломатик ёзишманинг бир тури. Таниш расмий шахсларга ёзиладиган ярим расмий шахсий хат. Уни, одатда, верба лёки шахсий нота юбориш мўлжалланмаган пайтда ёзилади.

Шахсий хатда расмий ёзишма ёки музокара олиб боришга сабаб бўлган масалаларнинг ечимини топишда кўмак бериш илтимоси, шунингдек у ёки бу мансабдор шахснинг хусусий ва оилавий ходисалари (туғилган кун, хизмат доирасида янги поғонага кўтарилиш, бола туғилиши, таъзия билдириши) каби протокол масалалар ифодаланади.

## Ш.

**Штатный консул** - должностное лицо, которое состоит на государственной службе представляемого государства и является его гражданином. Он получает регулярное жалованье и не должен заниматься никакой приносящей доходы деятельностью, кроме отправления консульских функций.

**Штат консули** - бу юбораётган давлатнинг фуқароси бўлган ва давлат хизматида ишлайдиган мансабдор шахс. У доимий равишда маош олади ва консуллик функцияларини бажаришдан ташқари ҳеч қандай даромад келтирадиган фаолият билан шуғулланмаслиги лозим.

# Щ.

**Щит консульский** - эмблема представляемого государства с изображением его герба и названием консульского учреждения на языках представляемого государства и государства пребывания.

Консульский щит может быть укреплен на здании, в котором размещено консульское учреждение, а также на резиденции его главы. Право консульства вывешивать консульский щит, закреплено во внутреннем законодательстве государства и в консульских конвенциях, в частности, в Венской конвенции о консульских сношениях 1963г.

**Консуллик қалқони** - консулхонани таъсисс этган давлатнинг герби ва икки давлат тилларида консуллик муассаса номи туширилган давлат эмблемаси.

Консуллик қалқони консуллик муассасаси жойлашган бино, шунингдек, муассаса раҳбари резиденциясида ўрнатилиши мумкин. Консуллик қалқонини осиб қўйиш ҳуқуқи давлатнинг ички қонунчилиги ва консуллик конвенциялари, хусусан, 1963 йилдаги Консуллик муносабатлари тўғрисидаги Вена конвенциясида мустаҳкамлаб қўйилган.

# Э.

**Экзекватура консульская** [от лат. Exsequare – выяснять, устанавливать] - официальный документ, удостоверяющий признание правительством принимающего государства иностранного консула в этом качестве.

Единой формы экзекватуры нет. Форма экзекватуры устанавливается внутренним законодательством принимающего государства. Это может быть отдельный документ или надпись на консульском патенте, а иногда и сообщение в средствах массовой информации о том, что такое-то лицо признано официальными властями (как правило, ведомством внешних

сношений) в качестве главы консульского учреждения и дано согласие на выполнение им консульских функций в пределах указанного консульского округа.

В Республике Узбекистан иностранный консул принимается в этом качестве правительством Республики Узбекистан в лице МИД Республики Узбекистан. После выдачи ему МИД Республики Узбекистан экзекватуры, он может приступить к исполнению своих обязанностей.

До получения консульской экзекватуры глава консульского учреждения может быть допущен к выполнению своих обязанностей временно.

**Консуллик экзекватураси** [лотинча Exsequare – аниклаш, ўрнатиш] - чет эл консулини қабул қилувчи давлатнинг ҳукумати томонидан тан олинишини тасдиқловчи расмий ҳужжат.

Экзекватуранинг ягона шакли мавжуд эмас. Экзекватура шакли қабул қилувчи давлатнинг ички қонунчилиги билан ўрнатилади. У алоҳида ҳужжат ёки консуллик патентидаги ёзув, баъзан эса, оммавий ахборот воситаларида маълум бир шахс консуллик муассасасининг раҳбари сифатида расмий ҳокимият органлари (қоидага кўра, ташқи ишлар идораси) тан олинганлиги ва унга кўрсатилган консуллик округи доирасида консуллик функцияларини бажаришга розилик берилганлиги тўғрисидаги ахборот бўлиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасида чет эл консули Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги томонидан экзекватура берилгандан сўнг ўз вазифасини бажаришга киришиши мумкин.

Консуллик экзекватурасини олгунга қадар консуллик муассасаси раҳбари ўз вазифаларини вақтинча бажаришига йўл қўйилиши мумкин.

**Экстрадиция** - согласованный между заинтересованными

государствами на основе норм международного права акт правовой помощи, заключающийся в передаче физического лица, совершившего преступление международного характера, другому государству в целях привлечения его к уголовной ответственности или для приведения в исполнение вступившего в силу приговора в отношении данного лица.

В отношении лиц, пользующихся дипломатическими иммунитетами и привилегиями, экстрадиция означает, что иностранный дипломат, совершивший преступление на территории государства пребывания может быть выслан в свою страну и, соответственно, он будет нести ответственность перед властями своей собственной страны и по её законам.

В пункте 3.15 Положения «О дипломатических представительствах и консульских учреждениях иностранных государств в Республике Узбекистан», утвержденном постановлением №207 Кабинета Министров Республики Узбекистан 8 мая 2001г. говорится, что «лица, пользующиеся дипломатической защитой, могут подлежать юрисдикции Республики Узбекистан в случае ясно выраженного согласия на это аккредитующего государства». Отсюда следует, что в случае несогласия аккредитующего государства они подлежат экстрадиции.

**Экстрадиция** - халқаро характерга эга жиноят қилган жисмоний шахсни халқаро ҳуқуқ нормаларига асосланиб тегишли давлатлар ўртасида эришилган ўзаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш келишувига биноан, жавобгарликка тортиш ёки шу шахсга нисбаттан чиққан ҳукмни ижро этиш мақсадида иккинчи давлатга топшириш.

Дипломатик иммунитет ва имтиёзлардан фойдаланувчи шахсларга нисбаттан экстрадиция шуни билдирадики, мезбон давлат ҳудудида жиноят қилган дипломат ўз

мамлакатига чиқарилиб юборилиши ва ўз давлати қонунларига мувофиқ жавобгарликка тортилиши мумкин.

2001 йил 8 май куни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг №207 сонли қарори билан тасдиқланган « Ўзбекистон Республикасида чет давлатларнинг дипломатик ва консуллик муассасалари» номли Низомнинг 3.15 моддаларида айтилганки «дипломатик ҳимоядан фойдаланувчи шаҳслар Ўзбекистон Республикаси юрисдикциясига тортилиши мумкин, агар аккредитация қилинган давлатнинг бунга аниқ ифодаланган розилиги бўлса». Бундан шу маъно чиқадики, ..............аккредитация қилинган давлат розилик бермаса уларни экстрадиция қилишга тўғри келади.

**Этикет дипломатический** - как важная часть протокола, регламентирует правила поведения официальных лиц во время различных мероприятий, включающих переговоры, встречи делегаций, визиты, беседы, взаимные представления, приемы и т.д.

В основе норм дипломатического этикета лежит строгое и безусловное соблюдение обычаев и правил страны пребывания, ее законодательства и установленных порядков. По сути дела дипломатический этикет лишь дополняет правила общегражданского этикета, которые в полной мере распространяются на всех дипломатов.

**Дипломатик этикет** - протоколнинг муҳим қисми сифатида расмий шаҳсларнинг турли тадбирлар чоғида, хусусан, музокаралар, делегация учрашувлари, ташрифлар, сухбатлар, қабул маросимлари вақтида амал қиладиган одоб қойидаларини аниқ белгилайди ва тартибга солади.

Дипломатик этикет асосида мезбон давлатнинг урф-одатлари, анъаналари, қонунлари ва ўрнатилган тартиб қоидаларига жиддий риоя қилиш ётади. Аслида дипломатик

этикет барча дипломатларга ҳам таълуқли умумфуқаро этикети қоидаларини тўлдиради холос.

***СОДЕРЖАНИЕ:***


## *А.*

*Агреман*
*Агент дипломатический*
*Аккламация*
*Аккредитование*
*Акт дипломатический*
*Альтернат*
*Архивы консульские*
*Атташе*

## *Б.*

*Болезнь дипломатическая*

## *В.*

*Townза (дипломатическая, консульская)*
*Ведомство иностранных дел*
*Вежливость международная*
*Венская конвенция о дипломатических сношениях*
*Венская конвенция о консульских сношениях*
*Вербальная нота*
*Верительные грамоты*
*Виза*
*Визит дипломатический*
*Вице-консул*
*Временный поверенный в делах*

## *Г.*

*Гражданство*

## *Д.*

*Двойное гражданство (бипатризм)*
*Дезавуирование*
*Демарш*
*Дипломат*
*Дипломатический протокол*
*Дипломатическое право*
*Дипломатия*

*Дисмисл*
*Дуайен дипломатического корпуса*

### *З.*
*Защита дипломатическая*
*Земельный участок консульства*

### *И.*
*Известительная грамота*
*Иммунитеты и привилегии дипломатического представительства и его персонала*
*иммунитеты консульские*
*иностранный гражданин*
*инсуррекция*

### *К.*
*Классы консульские*
*Коллективная нота*
*Конвенции консульские*
*Консул*
*Консульский отдел посольства*
*Консульское должностное лицо*
*Консульское право*
*Консульское управление Министерства иностранных дел Республики Узбекистан*
*консульское учреждение Республики Узбекистан*
*корпус дипломатический*
*кумулирование миссии*
*курьер дипломатический*
*курьерский лист*

### *Л.*
*Легализация консульская*
*Легат (апостолический легат)*
*Личная нота или нота в первом лице*

### *М.*
*Международная защита дипломатов*
*Меморандум*
*Миссия дипломатическая*
*Миссия специальная*

*Модус проседенди*

## *Н.*

*Нота*
*Нота протеста*
*Нотификация*
*Нунций*

## *О.*

*Обмен нотами*
*Обслуживающий персонал дипломатического представительства*
*Округ консульский*
*Органы внешних сношений*
*Отдельский консул*
*Отдельный консул*
*Отзывные грамоты*
*Отношения консульские*
*Отозвание дипломатического представителя*
*Отпускные грамоты*
*Официальная корреспонденция консульского учреждения*

## *П.*

*Паспорт дипломатический*
*Патент консульский*
*Переписка дипломатическая*
*Персона грата*
*Персона нон грата*
*Персонал дипломатического представительства*
*Поверенный в делах*
*Помещения консульские*
*Посланник*
*Посол*
*Посольский обычай*
*Посольское право*
*Посольство чрезвычайное*
*Почетный консул*
*Почта дипломатическая*
*Правовой режим*
*Преамбула*
*Представительство дипломатическое*
*Представительство консульское*
*Привилегии консульские*

*Признание международно-правовое*
*Признание де-юре*
*Признание де-факто*

**Р.**

*Разрыв дипломатических отношений*
*Ранги дипломатические*
*Раут дипломатический*
*Реквизиция*
*реторсия*

**С.**

*Сборы консульские*
*Специальные атташе*
*Старшинство*
*статус*

**У.**

*Убежище дипломатическое*
*Устав консульский*

**Ф.**

*Фискальный иммунитет*
*Формы дипломатии*

**Ч.**

*Частное письмо*

**Ш.**

*Штатный консул*

**Щ.**

*Щит консульский*

**Э.**

*Экзекватура консульская*
*Экстрадиция*
*Этикет дипломатический*